бўлмаган жойлардагина -қ қўлланади. Бу *ق-қ* ўт-  
ган замон феъл қўшимчаси бўлган *د-д* билан *ي*  
орасига киради ва музоаф масдарга айланади. -к  
ҳарфи эса юқорида айтилган сўзларда қўлланади.  
*أَنْكَ بَرْدَقِي بَرْمَادَقِي بِير* *анің бардуқі, бармадуқі*  
*бір* гапидаги *бардуқ*, *бармадуқ* сўзлари *بَرْدِي* *бардӣ*  
феълидан ясалган бўлишли, бўлишсиз масдарлар-  
дир: Шунингдек *مَنْك تَرْدَقِم تَرْمَادَقِم بِير* *мәнің*  
*турдуқім турмадуқім бір* — менинг турганим, тур-  
маганим бир иборасидаги *турдуқ*, *турмадуқ* сўз-  
лари ҳам *تَرْدِي* турдӣ феълидан ясалган бўлишли  
ва бўлишсиз масдарлардир. Бу мисолларда -ғ қўл-  
ланишига ўрин йўқ. Чунки *تَرْدَقِي* *турдуқі* ўрнида  
*تَرْدَقِي* турдуғі дейиш мумкин эмас. Шунинг-  
дек *مَنْك بَرْدَقِم بَرْمَادَقِم بِير* *мәнің бардуқім<sup>41</sup>, барма-*  
*дуқім* каби қўллаш ҳам мумкин эмасдир.  
Бу ер *غ-ғ* нинг ўрни эмасдир. *أَنْكَ كَلَدَكِي كَلْمَادَكِي*  
*анің кәлдүгі, кәлмәдүгі бір* — унинг келиш,  
келмаслиги бир гапидаги *кәлдүг*, *кәлмәдүг* сўз-

<sup>41</sup> Босма нухада бу (•) белгиси билан аниқсизликка ишорат қилинган.  
(Қ. II том, 36-бет). Ҳақиқатда бу ерда *تَرْدَق* сўзи ҳам *تَرْدَق* тарзида янглиш  
ишлатилган.

лари *ك* к қўшилиб ясалган масдарлардир ва яна  
*سَنْك كُرْدَكِي كَرْمَادَكِي بِير* *сәнің кәрдүкің кәр-*  
*мәдүкүң бір* — сенинг кўришинг, кўрмаслигинг  
бир деганда ҳам шундай. Бу хил масдарларни  
мен исмлар бобида ҳам, феъллар бобида ҳам зикр  
қилмайман. Чунки бу ердаги қондани ўзлаш-  
тирувчиларга бошқа ҳамма ерда бу хил масдар-  
ларни тушуниш қийин бўлмайди. Бу қоида ҳамма  
сўз турлари: мужаррад ва мазидларда, такрорлан-  
ган ҳарфи бор сўзларда, чўзғи ҳарфлари бўлган-  
бўлмаган феълларнинг ҳаммасида бир хилда  
қатъийдир.

Бу бобнинг (феъл шаклининг) буйруғи икки  
ҳарфлидир. Шунинг учун бу боб икки ҳарфли  
деб юритилади: *بَر* бар, *كَل* кәл<sup>42</sup> буйруқ феъллари  
каби. Кўп турклар буйруқ феълининг тингловчи  
формасида *ق-қ* келса ва ёки умуман қаттиқ та-  
лаффузли сўзларда ҳамда буйруқ охирида *غ-ғ* кел-  
ганда *غَل* -ғил, *قَل* -қил, юмшоқ сўзларда ва ўзагида  
*ك* -к ҳарфи бўлган сўзларда *كَل* -kil, *گَل* -gil ортти-  
риб қўллайдилар. Бу ҳолда икки ҳарфлилар тўрт  
ҳарфли, уч ҳарфлилар беш ҳарфли, тўрт ҳарфли-  
лар олти ҳарфли боблардан саналади. Чунончи  
*بَرغَل* *барғил*, *تَرغَل* *турғил*, каби. Бу сўзлар қа-  
лин бўлгани учун -ғил қўшилгандир. Охири -ғ

<sup>42</sup> *Бор*, *кел* сўзлари араб ёзуви билан ёзилганда, *بَر*, *كَل* тарзида икки  
ҳарф билан ёзилади.

\* Қўлёмзада *كُرْدَكِي كَرْمَادَكِي* шаклидадир. 387-бет, 14-йўл.



билан тугаган феълларнинг буйруқ шакларида қўшилади. *سَوْتٌ سَعَقَلٌ* тағқа ағқил, *سَوْتٌ سَعَقَلٌ* каби. Ўзакда *ك* -к ҳарфи бўлган сўзларда *ك*-гил қўшилади. *اَفْكَ كَرَكَلٌ* эғға киргил — уйга киргин. *جَارْمَاقٌ تَرْكَلٌ* тармақ тэргил — танга — пул тўпла, бу мисолларда икки ҳарфли феъллар тўрт ҳарфлига кўчгандир. *يُوكُ كَتْرٌ* юк кўтар, *تَامٌ اَتْرٌ* там отур — девортеш гапларидаги котур, отур уч ҳарфли феъллардир. Булар *كَتْرٌ كَتْرُكَلٌ* кётүргил, *اَتْرٌ اَتْرُكَلٌ* отүргил формаларида қўлланиб, уч ҳарфлилар беш ҳарфлига кўчгандир *اَتٌ سَوْفَارٌ* ат суғфар отни суғар, *مَنِي اَذْغَرٌ* мэни узғур мени уйғат гапларидаги *سَوْفَارٌ سَوْفَارٌ* суғфар, узғур феъллари тўрт ҳарфли феъллардир. Буйруғи *اَذْغَرٌ اَذْغَرُكَلٌ* узғурғил, *سَوْفَارٌ سَوْفَارُكَلٌ* формада қўлланади. Бу олти ҳарфли буйруқлар бобига киради.

Буйруқ охирига *غَل*-гил, *قَل*-қил, *كَل*-гил қўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди. Иккиталик ва кўплик фарқсиз, бир хилдир. Музаккар (муж. род), муаннас (жен. род) шакллари ҳам ўзаро фарқ қилинмайди, бир хил шаклда қўлланади. Бирлик учун *بَر* бар, иккиталик учун *بَرِيْنَكَلَارٌ* баріңлар *иккігү* (икковингиз боринг), кўплик учун *بَرِيْنَكَلَارٌ قَمَغ* баріңлар

қамуғ дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик формаси қўлланади: *بَرِيْنَك* барің дейилади.

Аслида бунинг маъноси *боринглар* демакдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда *بَر* бар, кўпликда *بَرِيْنَك* барің дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси *لَار* *lār||лар* ни тушириб қолдирадилар; лар ўрнига тингловчи бирлигида — *иңіз* қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам -з орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади.

Шу парчада ҳам келган:

اَقْلَابٌ مَنِي قِيْمَنَكُرٌ      اَبِيْ اَيْبٌ قَيِيْمَنِيْكُرٌ  
اَقْرُ كُرْمٌ اَشْ تَنْكُرٌ      نَكْرَا يَرَا قَشْ اَجَارٌ

Ашлаб мэни қојмақіз

Ајіқ ајіб қајмақіз

Ақар көзүм уш тэқіз

Тэгрә јүрә қуш учар.

Севиқлисига айтади: Мени овлаб ўзингизга асиё қилганингиздан кейин, хўрлаб ташлаб қўймангиз, ваъдага вафо қилингиз, денгиз сувлари каби кўз ёшларим дарё каби оқаётир [кўз ёшида тузлиқ (шўрлик) бўлгани учун шундай ўхшатма берилди]. Ахир кўз ёшларим атрофида қушлар учиб юрибди.

Бу ҳол тингловчи формасидагина қўл-

ланади, сўзловчи ва ўзга шаклларда бўлмайди. Чунки гуннали **ن** ҳарфи тингловчи шаклига нисбатангина қўлланади. Чунончи, **بَرْدَنَك** бардён **كَلْدَنَك** кәлдён каби. Бу буйруқ шакли эмас, тингловчи ишидан хабар беришдир. Ўтган замон феъли **بَرْدَنَك** бардён формаси билан буйруқ формаси **بَرْنَك** барён шаклининг бир-бирларидан фарқи аниқдир. Бу формаларнинг бир-биридан фарқи аниқ бўлгани учун бу икки форманинг охирида бир хил гуннали **ن** ҳарфнинг келиши зарарсиздир.

Ўтган замон феълининг қўшимчаси **دِي** дӣ сўзловчи, тингловчи, ўзга формаларда ҳар вақт шу равишда **ي**-ӣ ликдир. **بَرْدَم** бардём, **بَرْدَنَك** бардён, **بَرْدِي** бардӣ каби. **بَرْدَم** бардёмда **م** ҳарфи иш-ҳаракат сўзловчи томонидан бажарилганини билдирувчи белгидир. **بَرْدَنَك** бардёндаги **ن** тингловчининг, **بَرْدِي** бардӣдаги **ي**-ӣ ўзгани билдирувчи белги (қўшимча)дир.

Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у киши ёлғиз бўлса ҳам, **بَرْدَنَكْز** бардёнқиз дейдилар. Ҳолбуки **نَكْز** нқиз аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар буни фақат кўликда қўллайдилар. **بَرْدَنَكْز** бардёнқиз ҳаммангиз борднгиз демакдир.

Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида ибораторолик, фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир. **دِي**-дӣ ҳамма ерда кўрсатганимиздек **ي**-ӣ лик бўлади. Бу қоида ҳар бир феълда ва ҳар бир бўлимда ва ҳамма туркларда умумийдир.

Бу бобда ва бошқа бобларда фоил [ишловчини билдирадаган сифатдош] формаси ҳар хил мақсадлар учун беш хилда қўлланади: феъллардан ясалувчи сўз турлари ҳамма қабилаларда бир хил бўлса ҳам, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини билдирувчи сифатдош формаси қабилалар тилида ҳар хилдир. Ҳамма ҳар хил тарзда фарқли қўлловчи биринчи форма ишловчи мазмунини англаувчи фоил формасидир. **بَرْدَجِي** бардачӣ — борувчи, **تُرْدَجِي** турдачӣ — турувчи каби. Бунда сифатдош ўтган замон феълидан ясалгандир. Ўтган замон феъл шаклини ясовчи **دِي**-дӣ қўшимчаси **د**-д билан **ي**-ӣ орасига **ج**-ч орттирилиб ясалади. Бу ўғуз, қипчоқ, яғмо, уғроқ, суворин, бажанак, то русларгача бўлганлар тилидадир. Бу қоидага мосдир. Чунки **بَرْدِي** бардӣ феълда **د**-д ўтган замон феълининг қўшимчасидир. **ي**-ӣ ўзгалик белгисидир. Тингловчи, сўзловчиларда **ي**-ӣнинг тушиши шуни кўрсатади. **بَرْدَنَك** бардён, **بَرْدَم** бардём дейилгандаги каби.

Ҳолбуки, **د**-д ўтган замон белгиси бўлгани

учун ҳар бирида ҳам сақланади. Маълум бўлдики, *бардачӣ* — шаклида *ج* -ч билан *ى* -ї фоил — ишловчилик қўшимчасидир. Бу *ى* -ї ўтган замондан хабар берувчи *ى* -ї эмасдир, демак бу *ى* -ї нисбат ва сифатни билдирувчидир. *آتجى* *этчи* — қассоб, *آتمجى* *этмакчи* — новвой каби.

Исмларга *جى* -чӣ қўшиб, ҳунар эгаси исмлари яшашда ҳамма қабилалар иттифоқдирлар, бунда фарқ қилмайдилар. Чунончи *تَرْغى* *тарғ-дон*, *تَرْغىچى* *тарғчи* — дон экувчи. *آتکى* *этук*, *آتکىچى* *этукчи* — этик тикувчи каби бўлиб, уларда исм ясовчи қўшимча *ج* билан *ى* яъни -чӣ экани аниқдир.

*تُرْدَجى* *турдачӣ* — борувчи, *تُرْدَجى* *турдачӣ* — турувчи сўзлари ҳам феълдан ясалган сифатдош формадир. Юқоридагилар исмлардан ясалган сифатдошлардир. Ҳаммасида (исм ва феълларда) бир хил бўлиши яхши эди.

Бу қоида *ق* -қ ли, *ى* -к ли қаттиқ талаффуз этилувчи ва бошқа хил сўзларда ҳам бир хил фарқсиздир.

Чигил, қашғар, аргу, барсаған, уйғур ва юқори Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси шу маънодаги ишловчини билдирувчи сифатдошларни буйруқдан ясайдилар. Ўтган замон феъли қўшимчаси ди ўрнига -қ, -ғ ҳарфлари бор ёки қаттиқ талаффуз қилинувчи сўзларда *غ* *ғ* — бундан бошқа

юмшоқ сўзларда *ك* -г қўшилади. *ج* -ч ва *ى* -ї ўз ҳолида қолади. Булар тилида *بَر* -бар — буйруқ.

*تُرْغُوچى* барғучӣ — ишловчи сифатдошдир. *تُرْغُوچى* тур буйруғининг сифатдош формаси *تُرْغُوچى* *турғучӣ* шаклидир, қаттиқ сўзларда *يا قُرْغُوچى* *ja қурғучӣ*<sup>43</sup>,

*تَقَار قَبْغُوچى* *тақар қапғучӣ* — молни ўғирловчи, *ات سَغْرغُوچى* *ат суғғарғучӣ* — от суғарувчи, *مَنْى اذْغُوچى*<sup>44</sup> *мәни узғурчӣ* — мени уйғатувчи каби.

Таркибида *غ* -ғ ҳарфи бўлган икки ҳарfli сўзларда *غ* -ғ ҳарфи *ق* -қ га айланади. Чунки бундай сўзларда бир хил маҳражли икки бўғиз ҳарфи бирлашади. Ҳар иккисини айрим-айрим талаффуз қилиш оғир бўлгани учун шу оғирликдан қочиб, сингдириб сўзланади. Масалан: *تاغْمَا اَغْجُوچى* *тағма ағқучӣ* ва *قُوى سَغْجُوچى* *қој сағқучӣ* каби.

Буйруқ шаклида ҳам қоида шудир. Буйруқ шакли охири *غ* -ғ билан битган сўзларда ҳам *غ* -ғ, *ق* -қ билан алмаштирилади. Чунки *تاغْمَا اَغْل* *тағма ағқил* — тоққа чик, *سُوت سَغْل* *сут сағқил* — сут соғ каби сўзларда ҳам қоида шудир.

<sup>43</sup> Арабча текстда *وَيَقْرُ* сўзи *وَيَقْرُ* тарзида кетган. Биз *يقر* тарзида олиб таржима қилдик. (Д. л. т. II том. 41-бет).

<sup>44</sup> Бу сўзда бирон хато борлиги ҳақида босма нусхада (\*) белгиси билан ишорат қилинган. Ҳақиқатан юқоридагиларга мувофиқ *اذْغُوچى* шаклида эмас, *اذْغُرْغُوچى* шаклида бўлиши керак эди. Басим Аталай бу сўзни *اذْغُوچى* шаклида олган ва бу ҳақда изоҳ берган. Қўлёзмада *اذْغُوچى* экан, 292-бет, 5-йўл.



гандир. Масалан: *أَلْ أَرَأَيْكَ بَرَّغَانٌ* ол эр эwgä барған — у одам уйга күп борадиган. *أَلْ أَرَأَيْكَ إِيشْلَارْقَا* ол эр ол ишларқа турған — у одам ишларга туриб берадиган, турған каби. Шеърда шундай келган:

*تُرَّغَانٌ أَلْغُ إِيشْلَقَا*      *تُرَّكِي أَرُبُّ إِيشْلَقَا*  
*تَمَلَّغٌ قَدِيرٌ قُشْلَقَا*      *قُدَّتِي أَرَكُّ أَمْدَرُو*

Турған улуг ишлақа  
 Тіркі уруб ашлақа  
 Тумлуғ қадір қішлақа  
 Қоғті әріг умдуру.

Бир одам ҳақида ачиғиб айтади:

У одам улуг ишларга чидам билан туриш берадиган эди. Дастурхони қаттиқ қишларда очиқ эди, одамларни ўзининг яхшиликларидан умидвор қилиб ташлаб кетди.

*كَلْكَانٌ أَر* к-к ли сўзлардан ясалган бу сифатдош *كَلْكَانٌ* *күлгән* эр — күп куладиган одам иборасидаги *كَلْ* „күлгән“ дир. Бу сўзнинг буйруқ шакли *كَلْ* күл бўлиб, бунинг охирига *كَان* -ган қўшиб тузилгандир. Иш-ҳаракатнинг күп марталаб ишлатилганини билдирувчи сифатларда *غ* ғ, *ك* -г қўшилганидай, ишни ишловчи мазмунини англатувчи сўзларда ҳам *غ* -ғ, *ك* -г, қўлланилгандир. *بَرَّغُوجِي* барғучи, *كَلْكَوُجِي* кәлгүчи каби.

Бу арабчадаги *فَعَالٌ مَفْعَالٌ* сўзларига ўхшайди. Улар ишнинг күп марталаб қилинганини англатиш учун *شَرَّابٌ*, *طَلَّاعٌ*, *مَطْعَامٌ*, *مَطْعَانٌ* шаклидаги сўзларни қўллайдилар.

Учинчи: бир иш қилинмасдан олдин, уни бажариш орзусида эканини билдирувчи сифатдир. Бу сифат феълнинг буйруқ шаклидан ясалмайди<sup>45</sup>, ўзакнинг охирига қаттиқ сўзларда ватаркибида *ق* қ бўлган сўзларда *غَسَاقٌ* ғсақ, юмшоқ сўзларда ватаркибида *ك* -к || -г бўлган сўзларда *كَسَاكٌ* ксәк қўшилиб ясалади.

*بَر* -бар буйруғидан ишни ишлаш, истамоқ мазмунида ясалган сифат *بَرَّغَسَاقٌ* барғсақдир. *أَلْ أَرَأَيْكَ بَرَّغَسَاقٌ أَل* ол эwgä барғсақ ол — у уйга боришни истовчидир. *أَلْ تَرُّ مَنْدَا* тур мунда — шу ерда тур, гапидаги тур феълдан шундай мазмундаги сифат ясамоқчи бўлинса *أَلْ تَرَّغَسَاقٌ أَل* ол мунда турғсақ ол — у шу ерда турмоқ истайди, тарзида тузилади. Таркибида *ك* к бўлган сўзлар: *أَلْ بَرُّو كَلْكَسَاكٌ أَرْدِي* ол бэрү кәлгсәг әрди — у бу ерга келишни истовчи эди. *أَلْ أَفْكََا* ол эwgä кәлгсәг ол — у уйга киришни истовчидир. *أَلْ تَقَّار تِير كَسَاكٌ أَل* ол тавар тәриг-

<sup>45</sup> Маҳмуд Кошғарийнинг бу ерда „бу шакл буйруқдан ясалмайди“ дегани буйруқ охири сокин бўлганда, у ўз ҳолича қолмай, чўзги орттирилиб ясалади, демакдир.

сӓг ол — у мол тўплашни истовчи, тўпламоқчи эди. Бундай сифатлардан шу мазмун ифодалашни истамоқчи бўлинса, исмлардан ҳам тузилади. Бу қонидани яхши эсла.

Исмларда ҳам бу маънони англамоқчи бўлинганда, кишини шу сўз билан тавсиф қилиш мумкин. Чунончи *أَلْ أَرَّ أَلْ تَقْرَسَاقْ* ол эр ол таварсақ — у одам молни истовчи, молни дўст тутувчидир. *بُوَارَاغْتْ أَلْ أَرْسَاكْ* бу урағут ол эрсак — бу хотин эрни истовчидир. Лекин исмдан ясалганда, غ -ғ, ك -к ҳарфларининг аҳамияти йўқ.

Тўртинчи: гапда хабар берилгани маълум ишни қилиш унинг ҳаққи эканини билдирувчи сўз туридир. Бунда ишловчи бирор ишни қилишга қасд қилганини билдириш маъносидаги сифат деса ҳам бўлади.

Бу сифатлар буйруқ охирига ق -қ ли ва қалин сўзларда сўз охири сокин бўлса, غ „ғулуқ“, юмшоқ сўзлар бошидаги غ -ғ ва охириги ق -қ ўрнига ك -к қўшилиб ясалади. *بَر* бар буйруғидан унинг ҳаққи, унинг мақсади деган мазмунни бериш исталганда *بَرْغُلُقْ* барғулуқ тарзида ясалади. Чунончи *أَلْ أَرَّ أَلْ بَرْغُلُقْ أَرْدِي* ол барғулуқ эрди — унинг бориши керак эди, бориш унинг ҳаққи, у бориш ниятида эди демакдир. *أَلْ أَرَّ أَلْ مَنْدَا تَرْغُلُقْ أَرْدِي* ол мунда турғулуқ эрди — бу ерда туриш унинг ҳаққи, унинг мақсади бу ерда туриш эди каби.

Ўғузларнинг баъзилари ل -л ҳарфи ўрнига م -с қўллайдилар. *أَلْ مَنْدَا بَرْغَسَقْ أَرْدِي* ол мунда ба-

*رِغْسَاقْ ЭРДИ* — у бу ерда туришга ҳақли эди. *أَلْ مَنْدَنْ بَرْغَسَقْ تَكَلْ* ол мундён баріғсақ тэғүл — у бу ердан кетмайдиган, доим шу ерда турадиган демакдир.

Бу хил сифатлар икки ҳарфлик феъллардан тузилса, беш ҳарфликка, уч ҳарфлик феъллардан тузилса, олти ҳарфликка айланади. Тўрт ҳарфлик феъллардан тузилса, етти ҳарфлик бўлади. Улар, худо ҳохласа, ўз ўрнида кўрилади.

Бешинчи, ишловчининг ўзи дилида шу ишни қилмоқ мақсадида эканини билдирувчи сифат. Бу хил сифат илгариги сифатга иш-ҳаракатнинг бажаришдаги қатъийлиги жиҳатдан яқинроқдир. Бу сифат буйруқ шаклидан ясалмайди. Бу сифатда ўзак охири ي -и билан чўзилади ва қўшимчанинг бош ҳарфи ҳар бир бўлимда ҳам сукунли бўлади. Сўз ўзагига ق -қ ли ва қалин сўзларда -ғ ли таркибида ك -к бўлган, ингичка сўзларда -г ли қўшилиб ясалади. *مَنْ سَنَّا بَرْغُلِي مَنْ* мэн сэнә баріғлі-мэн — мен сенга борадиганман, бормоқчиман, боришни ўйлаб юрибман, дилимда бориш нияти бор демакдир. *أَلْ أَرَّ أَلْ مَنْدَا تَرْغُلِي أَلْ* ол мунда туруғлі ол — у бу ерда турмоқчи, туриш нияти дилида бор. Таркибида ك -к бўлган сўзлар мисоли: *أَلْ مَنَّا كَلْكَلِي تَر* ол мэнә кәліглі туруп — у менга келиши керак. Келишга жазм қилган, келишни ўйлаб юрибди демакдир. *أَلْ مَنَّا تَقَارْ بَرْكَلِي أَلْ* ол мэнә тавар бәріглі ол — у менга мол бериши керак, беришга жазм қилган. Бу хил сифатлар ясама мас-

дарга<sup>46</sup> لي=ل+ى -лі қўшиб ясалгандир. Ясама мас-дарлар буйруқ шакли охиридаги сукукли ҳарф унли ҳарф билан ҳаракатланиб, чўзилиб غ -ғ ёки ك -г ҳарфи қўшилиб ясалишини юқорида айтган эдик. Чунончи, *أَنْكَ بَرِّغِي كُرْ* *аниң баріғі көр* — унинг боришини, кетишини кўр; *أَنْكَ كَلِكِي كُرْ* *аниң кәлігі көр* — унинг келишини кўр гапларидаги *بَرِّغِي* *баріғі*, *كَلِكِي* *кәлігі* каби. Юқорида баён қилинганидек, бу ясама масдарлар *لي*-ли билан сифатга айланган. Бу хил сифатлар ҳамма қабила-лар тилида бир хил фарқсиз қўлланади. Шу хил сифатлар ҳар хил феъллардан ҳам юқоридагича беш хил мазмунда ишлатилади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилганини билдирувчи исми мафъул (ҳаракат номи) формаси ҳамма феъл бобларида бир хил усулда—буйруқ шакли охирига *ش*, *م*, *ش* -ш, -м қўшиб ясалади. Чунончи, ёй қур маъносидagi *يا قُرْ ja қур* нинг исми мафъул формаси *يا قُرْمِشْ ja* — қурилган ёйдир.

Бу *يا قُرْ ja қур* гапидаги *قُرْ* буйруғи охирига *قُرْمِشْ* *қазмиш* қўшиб ясалгандир. *قُرْمِشْ* *аріқ* — қазилган ариқ ҳам шундай. Ўзақ бу хил сифатларда ҳар вақт ўз ҳолида ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланади. Ўзақка ўтимли феълларда *миш*

<sup>46</sup> „Ясама масдар“ терминини ўқувчилар тушунишига қулай бўлсин учун қўлладик. „Девон“да изофа йўли билан ясалган масдар тарзида ифодалангандир. Бу ифода у давр тили дарслиги учун яна ҳам мувофиқроқдир.

қўшимчаси қўшилади. Ўтган замон ўтимсиз феълларда ҳам *مِش* *-миш* қўшимчаси қўшилади, у ҳолда бу *-миш* ўтган замон гумон феъли ясайди: *أَفْكَأَ بَرْمِشْ* *эвгә бармиш*—уйга борган эмиш (менинг эшитишимча), *أَلْ مَنْكَأَ كَلْمِشْ* *ол мәнә кәлмиш* — у менга келган эмиш (менинг эшитишимга қараганда) каби. Бу мисолларда ишлатилган-миш қўшимчаси *بَرْدِي* *бардi*, *كَلْدِي* *кәлдi* каби ўтган замон шаклини ясайди ва *دِي* *di* қўшимчаси ўрнида қўлланади.

*بَرْدِي* *бардi*, *كَلْدِي* *кәлдi* феъли билан *بَرْمِشْ* *бармиш*, *كَلْمِشْ* *кәлмиш* феъллари ораларидаги фарқ: бири-

*دِي* қўшимчаси ўтган замонда бўлган ишни сўзловчи ўз кўзи билан кўрганидан, аниқлигидан хабар беради.

*بَرْدِي* *бардi* — деган сўзнинг маъноси: борганини ўзим кўрдим, боргани аниқ демакдир. *миш*-*миш* қўшимчаси ҳам иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдиради. Лекин бунда сўзловчининг ўзи кўрмагани, аниқ эмаслиги маъноси бор. *أَلْ بَرْمِشْ* *ол бармиш* — у борган эмиш, лекин мен ўзим борганини кўрмадим. *أَلْ كَلْمِشْ* *ол кәлмиш* — у келган эмиш, лекин келганини мен ўзим кўрмадим демакдир. Ўтган замон ўтимли, ўтимсиз феълларнинг ҳар турида шу қоида доимий ва умумийдир.

Қаттиқ, юмшоқ талаффузли сўзлар, музаккар ва муаннас шакллари фарқсиздир.

*бармиш*, *кәлмиш* сўзлари отлар олдида аниқловчи бўлиб келганда, сифатга айланади. *бармиш киши* — борадиган киши. *кәлмиш киши* — келган одам. Бунинг ўрнида *барди* *кәлди* — феълларидаги *دی-د* *دی-د* ни қўллашнинг ўрни эмас.

Яғма, тухси, чигил, арғу, уйғур, то Чингача бўлган ҳамма қабилалар ўтган замон феъллини *دی-д* қўшиб ясада иттифоқдирлар. Чунончи, *барди* кабидир. Чунки бу феъл бор буйруғига *دی-д* қўшиб ясалгандир. Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари — суворинлар -қ, -ғ ли сўзларда ва умуман қаттиқ сўзларда *ی-і* ўрнига *ق-қ* алмаштириб, *دی-д* эмас *دُق-дуқ*, *ک-г* ли ва умуман ингичка талаффузли сўзларда *دی-д* ўрнига *دُک-дүк* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик ҳам бир шаклда фарқсиздир. Чунончи, улар -қ ли сўзларда: *ја қурдуқ* — у ей қурди тарзида қўллайдилар. Мен ей қурдим ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда *ја қурдуқ* формасини қўллайдилар. *біз ја қурдуқ* — бизлар ей қурдик каби. *أل* -ғ ли сўзларга мисол:

*أل سوت سغدي* — у сут соғди.  
*الار تاغقا اغدق* олар тағқа ағдуқ — улар тоққа чиқдилар. Биринчи шахс учун ҳам шундай. *بز اغدق*

*біз ағдуқ* — биз юқори чиқдик. Қаттиқ талаффузли сўзларда ҳам улар *دی-д* ўрнида *دُق-дуқ* қўллайдилар. *أل انی اردق* — у уни урди: *من مندا تردق* мән мунда турдуқ — мен бу ерда турдим каби. *ک-к* ли ёки юмшоқ талаффузли сўзларда улар *دُк-дүк* қўллайдилар. Чунончи *بز کلدک* *ол кәлдүк* — у келди. *біз кәлдүк* — биз келдик. *الار افکا کردک* олар эвгә кирдүк — улар уйга кирдилар. Майлликсўзларда ҳам шундай: *من انکر تغار бирدک* мән аңар тағар бәрдүк — мен унга мол бердим *من یرماق تیردک* мән жармақ тәрдүк — мен танга тўпладим.

Хулоса қилиб айтганда, уларда юқоридаги мисолларда кўрганингизча, бирлик билан кўплик орасида фарқ йўқдир.

Кўпчилик ўғузлар феълнинг ўтган замон сўзловчи шаклида бордим феъллидаги -м ўрнидагина бирликда ҳам, кўпликда ҳам *ق-қ* ёки *ک-к* ҳарфларини қўллайдилар. Қолган формаларда, яъни ўтган замон ўзга шаклида турклар билан бирлаша-

<sup>47</sup> Бу ерда текстда бир ноаниқлик белгиси бор. Ҳақиқатда бу ерда ўғузлар варианты кўрсатилмаётган эди. Шунинг учун *سغدي* ўрнида *سغدق* шакли берилиши керак эди. Басим Аталай бу сўз қўлёзмада шундай экани ҳақида маълумот берган („Девону луготит турк“, II т., 61-бет).



дилар. *кәлдә бардуқ* *бардә* ўрнида *бардуқ* *бардә* *кәлдә* — ўрнида *кәлдә* *кәлдә* қўллаб бузмайдилар.

Буйруқ шакли ҳамма тилларда бир хил, фарқсиздир. Бўлишсиз феълларнинг *бармадәм*, *кәлмәдәм* каби сўзловчи формасида ҳамма қабилаларда фарқ йўқдир. Аниқ ўзга бўлишсиз шаклида *бармадуқ* — бормади (шундай эшитдим, ёки кўрдим). *кәлмәдуқ* — келмади (шундай эшитдим ёки ўзим кўрдим).

Келаси замон инкор феълида ҳам қоида аниқ феълда кўрганимизчадир. *бармиш* — борган эмиш, борганини мен кўрмадим. *кәлмиш* — келган эмиш, келганини ўзим кўрмадим. Бўлишсизлик белгиси қўшилганда, *қ* — *қ* ли қаттиқ таллафузли сўзларда ёки *к* — *к* ли юмшоқ сўзларда ҳам, ҳамма феълларда ҳам, шу маъно, шу қоида ўзгармайди. Аниқ феълнинг бўлишсиз шаклида ҳам қоида шу хилдадир. *бармадә* — (ҳақиқатан) бормади, *кәлмәдә* — (ҳақиқатан) келмади каби. Ўғузлар *бардә*, *кәлдә* ўзга ва сўзловчи феъллардаги охириги *и* ўрнига *қ* ёки *к* — *к* га алмаштириб *бардуқ*, *кәлдә* — *кәлдә* тарзида қўллайдилар. *бармадуқ*, *кәлмәдуқ* (бормади, келмади) бўлишсиз феълларда ҳам *қ* — *қ*, *к* — *к* қўлланади. Бу қоида ҳамма феълларда қатъийдир.

Таъкид маъносидаги масдар арабчанинг акси тарзида феълдан олдин келади. *ол бармақ бардә* — у ҳеч қачон қарамай борди. *ол кәлмәк* *кәлдә* — у, албатта, келди каби.

Феълнинг тусланиши қуйидагичадир: *бардә* (феълнинг ўтган замон шакли), *барир* (келаси замон шакли), *бармақ* (масдар), *бар* (буйруқ шаклининг бирлиги), *баринлар* (буйруқ шаклининг кўплиги). Ҳурмат учун буйруқ шаклига *лар* — *лар* қўшиш туркларга хосдир. Ёлғиз одамга ҳам ҳурмат юзасидан<sup>48</sup> *барин* дейилади ва ҳоказо.

Бўлишсиз феъллар ҳамма тилларда бир хилда **булиб**, буйруқ шакли охирига **-ма** қўшиш билан ясалади. Масалан, *барма* — борма, *турма* — турма, *бармаңлар* — борманглар, *турмаңлар* — турманглар каби. *ол бармасун* — у бормасин (бўлишсиз феълнинг учинчи шахс бирлиги), *кәлмасун* — келмасин (бўлишсиз феълнинг учинчи шахс бирлиги), *барсун* — борсин<sup>49</sup>, *кәлсун* — келсин (буйруқ феълнинг учинчи шахс бирлиги), иккинчи шахс

<sup>48</sup> Бу ерда Басим Аталай изоҳига кўра, *ўғузлар* деган сўз тушиб қолган, *и* ўрнига *қ* учун у киши у сўзни орттирган. Бизнингча, бу сўзга зарурият ҳам йўқ. (Қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 64-бет).

<sup>49</sup> Басим Аталай бўлишлик шаклининг олдин, бўлишсиз формасини кейин келишини тўғри аниқлаб, шу ҳолда тузатиш киритган, (Қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 64-бет).

буйруқ шаклига ҳамма қабилаларда бир хил *سُون* -сун қўшиш билан ясалади. *بَرِيرْمَنْ* *барірман* — борарман (сўзловчи бирлиги). Ўғузлар келаси замон феълидаги ўзак таркибида бўлган -р ҳарфини сақлаб, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган бир -р ҳарфини туширадилар. Масалан, *مَنْ بَرَنْ* *мән баран* — мен бораман, *مَنْ تَرَنْ* *мән туран* — мен тураман каби.

Агар ўзак таркибида -р ҳарфи бўлмаган тақдирдагина, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган -р ҳарфини сайладилар. *مَنْ كَلِرَان* *мән кәлірән* — мен келурман каби.

Ўғузлар *مَنْ كَلَرَنْ* *мән кәләрән* — мен куламан дейдилар, чунки *كُلْدِي* *күлди* сўзида -р ҳарфи йўқдир. Шунингдек, ўғузлар *مَنْ بَرِيرْمَنْ* *мән барірман* — мен борарман гапидаги *بَرِيرْمَنْ* *барірман* феълидан охирги м -м ҳарфи ўрнига | алиф қўйиб *بَارِيرَان* *баріран* тарзида қўллайдилар. Яна улар *مَنْ يَا قَرْمَنْ* *мән ја қурармән* ўрнида *مَنْ يَا قَرَنْ* *мән ја қура-ран* — мен ёй қураман дейдилар. Турклар бу феълни икки -р билан *قَرْمَنْ* *қурарман* тарзида қўллайдилар. Биринчи -р ўзак таркибида бор, иккинчиси келаси замон феъл қўшимчасидир. Бу усул қоидага мувофиқдир. Ўғузлар талаффузи қоида усулига мувофиқ эмас, лекин унда енгиллик бор. *مَنْ يَا قَرْمَنْ* *ол бармас* (келаси замон бўлишсиз феълнинг ўзга бирлиги.) *مَنْ بَرْمَان* *мән бармасман* (бўлишсиз феълнинг келаси замон сўзловчи бирлиги). Буларда ихтилоф йўқдир, ҳамма қабилалар бу жиҳатдан иттифоқдир.

Бўлишсиз феълнинг келаси замон шаклини яшаш қоидаси ҳамма феълларда (хоҳ ўзга бўлсин, хоҳ сўзловчи бўлсин) бир хилда буйруқ шакли охирига *مَان* -мас ва кўплик учун *لَر* -лар қўшилади, масалан, *أَلَر بَرْمَان لَر* *олар бармаслар* — улар бормайдилар, *بُولَر بَرْمَان لَر* *булар бармаслар* — булар бормайдилар, *بِر بَرْمَان مَز* *биз бармасмиз* — биз бормасмиз каби.

Иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилишини англатиш учун буйруқ шакли охирига қаттиқ сўзларда *غَاي* -гай, бошқаларда *كَاي* -гай, *غ* -ли сўзларда *قَاي* -қай қўшилади. *أَل يَا قَرغَاي* *ол ја қургай*<sup>69</sup> — у ёй қуради. *أَل سَوْت سَاغغَاي* *ол сўт сағқай* —

<sup>69</sup> Бу феъл Навоий асарларида (турли стилистик тузилиш натижасида) *жула кўн маъноларда* қўлланган:

Тонг эрмас соядек оллингга сарви рост бош *қуйғай*,  
Тушар чуи ҳар кишининг қадди туздур сояси ҳам туз.

(„Бадоиул васат“, 212-бет).

Бу байтда шарт феъл маъносида *қуйса* демакдир.

Навоийдек қадам майхонага беркиг сутун янглиг  
Десанг оллингга юззам келмагай қуйсанг қадам ҳар ён

Бу байтда *келмагай*, буйруқ — *келмасун* маъносидадир

Юқмагай кўнглунга ғамим асари,  
Тушмагай жонинга ўтум шарари.  
Ғар бу савод ўлмаса нетгай киши,  
Назмин олиб қой сори кетгай киши.

Бу байтда *кой* феъли нима *қила олади*, *қаерга кета* олади маъносидадир.

Кўзим тортар ҳамоно ёр келгай,  
Солур кўнглум магар дилдор келгай.

Бу байтда орзу феъли *келармикин* маъносидадир.

у сут соғади. **أَلْ أَفْكَا بَرَّغَايْ** ол эwгә барғај — у уйга боради. **أَلْ مَنَّا كَلْكَايْ** ол мәнә кәlgәј — у менга келади. **أَلْ يَرْمَاقُ تَيْرْكَايْ** ол јармақ тәргәј — у танга тўплайди.

Келаси замон феъли<sup>51</sup>нинг ясалиши ҳамма қабилаларда, ҳамма феъллар учун бир хилда бўлиб, фарқ қилмайди.

Иш-ҳаракатнинг бажариш шарафига ишловчи муваффақ эканини, уни қилишга эришаётганини билдирувчи феъллар буйруқ охирида **ق-қ** ли, умуман қаттиқ талаффуз қилинувчи сўзларда ҳамма тилларда бир хил, **غَالِرْ** -ғалір, бошқаларда **كَالِرْ** -gälir қўшимчаси қўшиб ясалади. **مَنْ بَرَّغَالِرْمَنْ** мән барғалірман — мен бориш шарафига эгаман.

<sup>51</sup> Маҳмуд Кошгарийнинг изоҳига кўра, бу феълларнинг бир қисмини узоқ келаси замон, бир қисмини яқин келаси замон маъносида қўлланган деб тушуниш мумкин. Чунончи, **أَلْ يَا قُرْغَايْ** ол ја қурғај **يُوتِرُ الْقَوَسَ** ай анһе سوف يوتر القوس **أَلْ مَنَّا كَلْكَايْ** ол мәнә кәlgәј гапида бу феълга яқин келаси замон сифатида изоҳ қилган. **أَلْ يَا قُرْغَايْ** у (тезгина фурсатда) келади. Араб тили дарсликларида **سَوْفَ** савфа узоқ келаси замонни, **سَ-**са префикси яқин келаси замонни англатади деб изоҳланган:

**وَدُخُولِ السَّيْنِ وَ سَوْفَ لِدَلَالَةِ الْأُولَى لِاسْتِقْبَالِ الْقَرِيبِ وَالثَّانِي عَلَى الْإِسْتِقْبَالِ الْبَعِيدِ**

Таржимаси: Син ва савфа префиксларининг биринчиси келаси замон феъли олдига қўшилиб, яқин келажакни, иккинчиси узоқ келажакни англатади.

(Абдурахмон Жомий, „Фавоиди зиёия“, 299-бет)

**مَنْ تَرَّغَالِرْمَنْ** мән турғалірман — мен туриш шарафига эгаман. **أَلْ يَا قُرْغَالِرْ** ол ја қурғалір — у ей қуриш шарафига эгадир. **أَلْ تَاغْغَا اغْغَالِرْ** ол тағқа ағқалір — у тоққа чиқиш шарафига эга, чиқиши яқинлашгандир. **أَلْ أَفْكَا كِرْكَالِرْ** ол эwгә киргәлір — у уйга кириш шарафига эга, кириши яқин қолгандир. **أَلْ يَرْمَاقُ تَيْرْكَالِرْ** ол јармақ тәргәлір — у пул тўплашга эришган, мойил бўлгандир. Бу ҳамма феълларда доимий қоидадир.

Исми замон — замон оти, исми макон — жой оти ва қурол отлари сўз ўзагига қаттиқ талаффузли, таркибида **ق-қ** ҳарфи бўлган сўзларда **غُو** -ғу ва юмшоқ талаффузли, таркибида **ق** -қ ҳарфи бўлган сўзларда **كُو** -гу қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қоида чигил, яғма, тухсий, аргу, уйғур то юқори чингача бўлган ҳамма қабилалар тилларига оиддир. Ўғузлар ва қипчоқ, бажанак, булғор тилларида бу хил сўзлар феълнинг буйруқ шакли охирига **اسى** осі қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, замон оти **بُو يَا قُرْغُو** бу ја қурғу оғур эрмәс — бу ей қурадиган вақт эмас. **بُو تَرَّغُو يَيْرْ أَرْمَاسُ** бу турғу јәр эрмәс — бу турадиган жой эмас. Ўғузлар бунини **بُو يَا قُرَاسِيْ أَغْرُ تَكُلْ** бу ја қурасі оғур тәгүл — бу ей қурадиган пайт эмас. **بُو تَرَّاسِيْ يَيْرْ تَكُلْ** бу турасі јәр тәгүл — бу турадиган жой эмас тарзида

қўллайдилар. *بوتاغ اغقو ارماس* бу тағ ағқу әрмас — бу тоққа чиқадиган вақт эмас. Юқорида ўзакнинг охири *غ -ғ* билан битганда, *غ -ғ* эмас, *غ -ғ* ўрнига *ق -қ* қўшилиши кўрсатилган эди. Бунда ўзак охирида *غ -ғ* бўлгани учун *غو -ғу* қўшимчаси ўрнига *قو -қу* қўшилган сўзга мисолдир. Ўғузлар бу мазмундаги гапни *بوتاغ اغاسي اغر تكل* бу тағ ағаси оғур *tägül* — бу тоққа чиқадиган вақт эмас тарзида қўллайдилар. Кўриладикки, ўғузлар вақт замон отига *اغر* — оғур, жой отига *يئر* *jær* сўзларини қўшиб қўллайдилар. Таркибида *ك* -к ҳарфи бўлган сўзлар учун мисол: *بو افكا كركو اوز ال* бу *əwǝ kǝrgü öz ol* — бу уйга кирадиган вақтдир. *ال بزكا كلکو بلدي* ол бизгә кәлгү болдә — унинг бизникига келадиган вақти бўлди. Ўғузлар бу маънони англатиш учун шу ўринда *ال بزكا كلسي* ол бизгә кәләси болдә гапини қўллайдилар. Бу хил феъллар от ўрнидадир, чунки булар отлар билан қўшилиб изофа тарзида қўлланади. *سەننىң барғуң қачан* — сен қачон борасан? каби. Бу маънони англатиш учун бу ўринда ўғузлар *سەننىң барасиң қачан* дейдилар. Яна *مەننىң барғум يەقتي* — менинг кетишим яқинлашди, демакдир. *اننىң барғуси* — унинг бориши демакдир. Ўғузлар бу гап ўрнида *مەننىң барасим* мә-

ниң барасим дейдилар. Бу хил отларнинг ясашида ўғузлар қондасига кўра, ўзак охирига *سى -сі* қўшилади. Улар тилида бу хил сўзларнинг қаттиқ, юмшоқлиги фарқ қилинмайди. Бошқа туркий тилларда эса бу масалада баъзи фарқлар бор.

Феъллардан ясаладиган қурол отлари феъллик хусусиятини йўқотиб от ўрнида келади. Чунончи, *يېگو نانگ jəgü nəŋ* — ичига солиб ейиладиган нарса (лаган, товоқ). (Бундаги *يېگو jəgü* от вазифасидаги сўздир). *ارغو urғu* — уриш учун ишлатиладиган қурол, масалан, қамчи, чивиқ. (Бундаги *ارغو urғu* от вазифасидаги сўздир) *يېغاج بېغجو jığac bīçgu* — ёғоч кесадиган қурол — болта, *سوغو sorғu* — сўрадиган асбоб, қурол: эмизник, қоруқ каби нарсалар. Бу сўз *امك سردى эмик сордә* — эмчак сүрди (эмди) сўздан олингандир. Бу отлар қаттиқ, юмшоқ талаффузли сўзлар фарқиға мувофиқ, *ғ -қ, -к, ғ* ҳарфлари қўшилишида юқорида кўрсатилган қабилалар тилларида фарқ қилади. Лекин ўғузлар фарқ қилмайдилар. Бунинг қондаси юқорида айтиб ўтилган.

Ўғузларда қурол отлари ҳамма феъллардан ҳам *سى -сі || -сі* қўшиб ясалади, чунончи: *يېغاج بچاسي jığac bīçasī* нәң — ёғоч кесадиган нарса — асбоб. Яна *يېكاسي نانگ jəgäsi nəŋ* — овқат ейдиган нарса (лаган, товоқ).



بَتْرَدِي бўтўрди — битирди, тузатди, исбот қилди. *أَتِ بِاشِغِ بَتْرَدِي* от башіғ бўтўрди — даво (ўсимлик) ярани тузатди. *أَنْكَ أَوْزَا أَلْمَنْ بَتْرَدِي* анің ўзә алімін бўтўрди — унинг устидаги олимини, қарзини ҳужжат билан исбот қилди. Қарздан бошқага ҳам бу сўз қўлланади. (بَتْرَمَاكُ. بَتْرُرُ. بَتْرَمَاكُ. بَتْرَمَاكُ).

بَتْرَدِي батурди — яширди. *أَل سَوَزِينَ مَنْدِينَ بَتْرَدِي* ол сөзін мәндін батурди — у сўзини, сирини мендан яширди.

بَتْرَدِي батурди — ботирди. *أَل أَنِي سَقَا بَتْرَدِي* ол ані суғқа батурди — у уни сувга ботирди, қандни буламоқча ботириш каби, ҳар бир суюқ, юмшоқ нарсага ботиришга ҳам бу сўз қўлланади. (بَتْرُرُ. بَتْرَمَاكُ. بَتْرَمَاكُ) батурур, батурмақ).

تَتْرَدِمُ татурдум — тоттирдим, едирдим. *مَنْ أَنْكَرَ أَشْ تَتْرَدِمُ* мән аңар аш татурдум — мен унга ош едирдим. (تَتْرَمَاكُ. تَتْرَمِنْ. تَتْرَمَاكُ) татурумән, татурмақ).

تَتْرَدِي тўтўрди — туттирди. *أَل أَنْكَرَ أَتِ تَتْرَدِي* ол аңар ит тўтўрди — уни тутиб олиш учун у итини солди. Бу сўзни *تَتْرَكُرْدِي* тўткўрди талаффузи ҳам бор. Аслида *تَتْرَدِي* тўттўрди (уч - т ли)дир. Енгиллик учун бир - т туширилган. (تَتْرَمَاكُ. تَتْرَمَاكُ. تَتْرَمَاكُ) тўттўрмәк).

تَقْرَدِي тушурди — чимирди. *أَتِ قَلَاقُنْ تَقْرَدِي* ат қулақин тушурди — от қулоғини чимирди. (Бу от би-

рор нарсадан таъсирланганда икки қулоғини дик-райтишдир). (تَقْرَمَاكُ. تَقْرَمَاكُ. تَقْرَمَاكُ) тушўрар, тушурмақ).<sup>54</sup>

قَتْرَدِي қатарди — қайтарди. *أَلْ أَيْغَ قَتْرَدِي* ол атіғ қатарди — у отни қайтарди. *جَاغِي قَتْرَدِي* жағи қатарди — душманни қайтарди. Бошқаси ҳам шундай. (قَتْرَمَاكُ. قَتْرَمَاكُ. قَتْرَمَاكُ) қатарур, қатармақ). Шеърда шундай келган:

أَرْدِي أَشْنَ تَتْرَغَانْ يَفْلَقْ يَغِغْ قَتْرَغَانْ  
يَيْنُنْ تَتْبُ قَدْرَغَانْ بَسْتِي أَلْمُ أَغْتَرُو

Эрди ашн татурған,  
Јаулақ жағиғ қатарған,  
Бојнн тутуб қазиған,  
Басті өлүм ағтару.

Ошини едирадиган, душман тўдасини қайтарадиган, душман бўйнини қайирадиган эди, ўлим уни ағдариб йиқитди.

قَتْرَدِي қатурди — қотирди. *أَلْ يُمُشَاقُ نَانَكُنِي قَتْرَدِي* ол јумшақ нәңни қатурди — у юмшоқ нарсани қотирди (юмшоқ темирни қаттиқлаштиргани каби, юмшоқ нарсани қотирди). *تَاشْ يَيْرْ أَنِي قَتْرَدِي* таш йір ані қатурди — чет мамлакат (мусофирчилик) уни таж-

<sup>54</sup> Босма нусхада *تَقْرَمَاكُ* шаклида, Басим Аталай нусхасида эса

қар. 306—6. *تَقْرَمَاكُ* шаклида берилган. Қўёзмада *تَقْرَمَاكُ* шаклида.

риба ва имтиҳондан ўтказиб пишитди. (قَتْرُ. قَتْرَمَاقُ) қатурур, қатурмақ).

қутурди — шодланди, ўсди, қутурди اَغْلَانُ قَتْرَدِي оғлан қутурди — бола қутурди, ҳеч кимни менсимайдиган бўлиб кетди. تَرِيغُ قَتْرَدِي тарӣғ қутурди — экинлар қутурди, ортиқ шиддат билан ўсди. Меъеридан ўтган ҳар нарсага ҳам қутурди قَتْرَدِي дейилади. (قَتْرُ. قَتْرَمَاقُ) қатурур, қатурмақ).

кўтурди — кўтарди. ЭР jүк кўтүрди كُتْرَدِي киши юк кўтарди. Хотинларнинг юк (хомила) кўтаришига ҳам бу сўз қўлланади. (كُتْرَمَاقُ) кўтүрүр, кўтүрмәк).

Мақолда шундай келган:

تَقِي يَكْ كُتْرَسَا قَمِيحُ يَمَا كُتْرُ

Təwəj jük kütürsä

Қаміч jәмә кўтүрүр

Туя ҳамма юкни кўтарганда, капкирни кўтаришга ҳам кучи егади. Бу сўз арабларнинг اَتَّبِعِ الْفَرَسَ деган мақоли кабидир.

ачиғ нәъ<sup>55</sup> اَجِغْ نَانِكْ سَجْرَدِي сўчирди — чучиди. سَجْرَدِي

<sup>55</sup> Ҳозир жонли тилда ҳам, адабиётда ҳам бу сўз фақат икки -ч билан аччиғ тарзида талаффуз қилинади. Навоий асарларида бу сўз ҳар икки вариантида ҳам учрайди.

Вақт каму, йўл узуну, май ачиғ,

Усру қатиғ ҳол етибдур қатиғ,

(„Х а м с а“, „Ҳайратул аброр“, 68-бет).

Узр демак барчаға қаттиғ келиб,

Неча чучук сўз деса, аччиғ келиб

(„Х а м с а“, „Ҳайратул аброр“, 79-бет).

сўчирди — аччиғ нарса чучиди, ширин бўлди. (سَجْرَارُ) сўчирар, сўчирмәк).

қачурдум — қочирдим, ҳайдадим. مَنْ اَنِي قَجْرَدُم мен ані қачурдум — мен уни қочирдим, мен унинг эсини чиқариб, тумтарақай қилиб қочирдим. (قَجْرَمَاقُ) қачурумән, қачурмақ).

кэчүрди — кечирди, ўтказди. اَلْ مَنِي سَقْدَنُ كَجْرَدِي ол мәні сувдан кэчүрди — у мени сувдан кечирди, ўтказди.

кэчүрди — гуноҳини кечирди, гуноҳидан ўтди. بَعَثَ اَنِيْجَ جَازُكِيْنِ كَچُورْدِي — шоҳ унинг гуноҳини кечирди. (كَجْرَمَاقُ) кэчүрүр, кэчүрмәк).

көчүрди — күчирди. اَلْ اَنِيْ اَقْدَنُ كَجْرَدِي ол ані эвдин көчүрди — у уни уйдан күчирди.

көчүрди — күчириб ёзди. اَلْ بِيْتِكْ كَجْرَدِي ол битик көчүрди — у китоб ёзди. Бир нусхадан иккинчисига күчирди. Бирор нарсани бир жойдан иккинчи жойга күчиришга ҳам шу сўз қўлланади.

көчүрди — күчирди. اَلْ كُجْتُ كَجْرَدِي ол көчүт көчүрди — у отни бир жойдан бошқа бир жойга күчирди. (كَجْرَمَاقُ) көчүрүр, көчүрмәк).

түзүрдүм — тўйдирдим. مَن اَنِي تَذْرَدُم мен ані түзүрдүм — мен уни тўйдирдим. (تَذْرَدُم) тўзүрдүм — мен уни тўйдирдим. (تَذْرَدُم) тўзүрдүм — мен уни тўйдирдим. (تَذْرَدُم) тўзүрдүм — мен уни тўйдирдим.

ғурдум дир. (تَدْرُمَنْ. تَدْرُمَاقُ) тузурурмән, тузурмақ).

қәзурдї — қайирди. *ال انك بين قردى* ол анїң бојнїн қазурдї — у унинг буйини қайирди. Бунинг бошқаси ҳам шундай.

қазїрдї — қайирди. *ال انك سوزن قردى* ол анїң сөзін қазїрдї — у унинг сўзини қайирди. (قذرماق. قذرار. قذرماق).

қудурдї — қутурди, ошди. *ال بو ايشتا قردى* ол бу йшта қудурдї — у бу ншда қутурди. Қаттиқ ҳаракат қилди. Ҳаракатни ошириб юборди. (قذرماق. قذرر. قذرماق).

кәзүрдї — кийгизди. *ال منكا تون كذردي* ол мәнәңә тон кәзүрдї — у менга тун кийгизди. Бошқасига ҳам шундай. (кәзүрүр, кәзүрмәк).

кәзїрдї — сўйди. *ال قويغ كذردي* ол қојуғ кәзїрдї — у қўйни сўйди, кесди, бўлак-бўлак қилди. (кәзїрүр, кәзїрмәк).

қарардї — қорайди. *تون قردى* тон қарардї — тун қорайди. *تون قردى* тон<sup>56</sup> қарардї — тун (кийим)

<sup>56</sup> Ҳозирги тилимизда икки хил шаклда ёзиладиган ва икки хил ўқиладиган тун ва тун сўзларининг ҳар иккиси босма нусхада биргина *تون* шаклида берилган. (Қ. Д. л. т. II том, 63-бет). Биз қўлёмани кўрмаганимиз учун аниқлай олмадик. Лекин қўлёмма билан солиштирган Басим Аталай ҳам бу сўзларнинг ёзилишини бир хил кўрсатиб, ҳеч қандай изоҳ бермаган. (Қ. „Девону луғотит турк“ таржимаси, II том, 77-бет). Демак, бу сўз у даврда омонимлардан бўлиб, сўнг дифференциациялангандир. Қўлёмма ҳам шунини тасдиқлайди: Қар. 307—14.

қора бўлди. Бошқаси ҳам шундай. (قارار قارماق) қарарур, қарармақ).

қурїрдї: *قوردي نانك* қурїрдї<sup>57</sup> нәң — нарса қуришга юз тутди, қурий бошлади. (قورر قورماق) қурїрур, қурїрмақ).

қїзардї: *قزردى نانك* қїзардї нәң — нарса қїзарди (قزردى قزردى قزردى) қїзарур, қїзармақ).

тазардї: *تازردى نانك* тазардї<sup>58</sup> нәң — кал бўлди, кал бўла бошлади (تازردى تازردى) тазарур, тазармақ).

тузәрдї — текис бўлди. *توزردى* тўзәрүр, тўзәрмәк) тўзәрүр, тўзәрмақ).

кузәрдї — куз бўлишга тутинди. *اود كوزردى* од кўзәрдї — вақт кузга юзланди, кузга айлана бошлади (кўзәрүр, кўзәрмәк).

басурдї — *تەڭرى تاغ بىرلا يىرگ بىردى* тәңрї тағ бїрлә йәрїг басурдї — худо ерни тоғлар билан бостириб қўйди. Оғир бир буюм билан бостириб қўйилган ҳар нарсага ҳам бу сўз қўлланади. (басурур, басурмақ).

бусардї — туманланди. *بوسردى* бусардї — туманланди. (босурур, босурмақ).

<sup>57</sup> *قوردي* қурїрдї сўзини Басим Аталай *قوردي* қурурдї шаклида берган (к. „Девону луғотит турк“ таржимаси, II том, 77-бет). Биз босма нусхадагича бердик. <sup>58</sup> *Тоз* — каллик, бошнинг туклари тушиб кетиши маъносидадир. Бу сўз ҳозирги жонли тилда кам қўлланади, *тос* тарзида талаффуз қилинади.



di — осмон туманланди. Ҳавони туман босди.

қисурди қисурди — қисқартди. *ол узун* *қисурди* (бўсарур, бўсармақ).  
нэңни қисурди — у узун нарсани қисқартди. *қисур* (қисурмақ).  
қисурди қисурди — у узун нарсани қисқартди. *қисур* (қисурмақ)\*.

кўсурди кўсурди — кашаклади. *ол ат* *кўсурди* *ат*  
*кўсурди* — у от (нинг икки оёғини) кашаклади.  
*кўсурди* (кўсурмақ).

бўшурди бўшурди — бушурди. *ол мэн* *бўшурди* — у  
менинг юрагимни сиқиб юборди. *бўшур* (бўшурмақ)  
*бўшурди* (бўшурмақ)

пўшурди пўшурди — пиширди. *ол эт* *пўшурди* — у  
гўшт пиширди. Бошқаларга ҳам шундай.  
*пўшурди* (пўшурмақ).

ташурди ташурди — тоширди. *от ашич* *ташурди* — олов  
қозонни тошириб юборди. Ўз ўрнидан тошиб чиққан ҳар бир суюқ насага ҳам бу сўз қўлланади.  
*ташурди* (ташурмақ).

тушурди тушурди — кўриштирди. *ол мэн* *тушурди* — у мен билан сени кўриштирди.  
*тушурди* (тушурмақ).

тушурди тушурди — тушурди. *ол эликдин* *тармақ* *тушурди* — у қўлидан тангани тушириб юборди.  
*тушурди* (тушурмақ).

\* Қўлэзманинг 308-бетида шундай берилган.

тўшурди тўшурди — мен уни отдан (ерга) туширдим, тушириб қўйдим. Тўшурмақ ҳам шундай.  
*тўшурди* (тўшурмақ).

сашурди сашурди — фарқ қилди. *ол жин* *сашурди* — у дўр билан ферузани бир-бирдан фарқлади. Булардан бошқа гавҳарларни ипга тизишда айиришга ҳам бу сўз қўлланади.  
*сашурди* (сашурмақ).  
кўшурди кўшурди — тошаёзди. *ол кўшурди* — ҳовуз тўлди, тўлиб тошаёзди.  
*кўшурди* (кўшурмақ). Шеърда шундай келган:

Алн тубу јашарди  
Урут отн јашурди  
Кўлнн суwin кўшарди  
Сiғiр буқа мўнрашўр

Алн тубу јашарди

Урут отн јашурди

Кўлнн суwin кўшарди

Сiғiр буқа мўнрашўр

Баҳорни таърифлаб ёзди: тоғ чўққилари кўкатлар билан кўм-кўк бўлиб яшарди, қуриган ўтларни янги ўтлар қоплаб, яшириб юборди, кўллар сувга тўлиб, ҳатто тошаёзди. Сигир, буқалар севишиб маърашади. Идиш суви оғзигача тўлиб тошаёзса ҳам кўшурди дейишади.

буғарди буғарди — кесди. *ол йиғач* *буғарди* — у ёғоч кесди, ёрди.  
*буғарди* (буғармақ). Бу сўзнинг асли *буғарди* дидир.

تۇغۇردى <sup>00</sup> туғурди — туғди. <sup>00</sup> اُرَاغْتُ اُغْلُ تۇغۇردى урағут оғул туғурди — хотин ўғил туғди. Ҳайвонлар туққанда, бу сўз уларга нисбатан истиора тариқасида қўлланади. (<sup>00</sup> تۇغۇردى. <sup>00</sup> تۇغۇرۇر, <sup>00</sup> تۇغۇрмаق). Мақолда шундай келган: <sup>00</sup> اَتَا اُغْلِي اَتَجُّ تَغَارُ ата оғли атач туғар — ота ўғли хулқда, албатта, отасига, ўхшайди.

تۇغۇردى <sup>00</sup> туғурди — ғазабланди. <sup>00</sup> اَلْ مَنَكَا تۇغۇردى ол мәнқа туғурди — у ўз йўлини ташлаб, менга қараб шиддат билан келди. Бирор ишга таассуф (қоидадан ташқари ҳаракат) билан бир юмушга йўналган кишига ҳам бу сўз қўлланади. (<sup>00</sup> تۇغۇردى. <sup>00</sup> تۇغۇرۇر, <sup>00</sup> تۇغۇрмаق<sup>59</sup>)

ساғурди <sup>00</sup> сағурди — ичди. <sup>00</sup> اَر سُوْفُ سَғурدى әр суғ сағурди — одам сув ичди.

сағурди <sup>00</sup> сағурди — шимди. <sup>00</sup> قُمْ سُوْفُ سَғурدى қум суғ сағурди — қум сувни шимди. <sup>00</sup> اَلْ قُرْتُ سَғурدى ол қурут сағурди — у қурут қилиш учун (қатиқнинг) сувини сирқитди (бу сўз қарлуқча).

сағурди <sup>00</sup> сағурди — туплади. <sup>00</sup> اَلْ يُقَارُو يَارِنُ سَғурدى ол жоқару <sup>00</sup> jәрін сағурди — у осмонга қараб туплади. Ту-

<sup>59</sup> Бу сўзнинг имлоси ҳақида Басим Аталай изоҳ берган, унинг фикрича, босма нусхада <sup>00</sup> تۇغۇردى. <sup>00</sup> تۇغۇرۇر шаклида берилган бу сўз қўлёзмада ҳам шундай экан. Басим Аталай <sup>00</sup> تۇغۇردى. <sup>00</sup> تۇغۇرۇр бўлиши тўғрироқ деб уқтирган (қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 80-бет).

пугини юқорига тупурди. Барсағонлар тилида шундайдир. Бошқалар <sup>00</sup> سۇندى сузти дейдилар. (<sup>00</sup> سَғурۇر. <sup>00</sup> سَғурماق сағурур, сағурмақ) Мақолда шундай келган: <sup>00</sup> كۆككә сағурса, <sup>00</sup> يۈزكә تۇشور: <sup>00</sup> تۇشۇر — осмонга тупурса, юзга тушар. Бу мақол ўзидан катта билан қаршилашиш истаганда (оғирлик, қийинлик) ўзига тушишига ундаб айтилади.

سىғурди <sup>00</sup> сїғурди — сиғдирди. <sup>00</sup> اَلْ اُونُغُ قَابِقَا سَғурدى ол унуғ қапқа сїғурди — у кўп унни кичик идиш (қоп)га сиғдирди. Қаттиқ сиқиб босиш билан жойланган ҳар бир нарсага ҳам бу сўз қўлланади. (<sup>00</sup> سَғурۇر. <sup>00</sup> سَғурماق) сїғурур, сїғурмақ).

қоғурди <sup>00</sup> қоғурди — қовурди. <sup>00</sup> اَلْ تَرِغُ قَғурدى ол таріғ қоғурди — у таріғ — бугдой қовурди. Бошқаларга ҳам шундайдир. Бу сўзнинг юмшоқ <sup>00</sup> قَғурدى ли варианты ҳам бор: <sup>00</sup> قَғурۇر. <sup>00</sup> قَғурماق қоғурур, қағурмақ).

тәғурди <sup>00</sup> тәғурди — <sup>00</sup> اَلْ تَғارِغُ اَғурدى تَғурدى ол тағаріғ <sup>00</sup> tәғурди тәғурди — у молни ағдарди - тўнтарди, остин-устин қилди. <sup>00</sup> اَғурدى <sup>00</sup> tәғурди тәғурди (кўмакчи) сўзидир. <sup>00</sup> تَғурار. <sup>00</sup> [61] تَғурماك تәғуррар, тәғурмак).

<sup>60</sup> Махмуд Кошғарий изоҳига кўра, бу жуфт феълнинг таркибидаги ўзакларнинг биринчиси асосий, етакчи бўлиб, иккинчиси кўмакчи сўзидир. Бу мисол феълда намуна учун фақат кўмакчи феъл олинган.

<sup>61</sup> Басим Аталай бу сўз ҳақида изоҳ берган. Изоҳда аниқсизлик бор (қ. „Девон“ таржимаси, II том, 81-бет).

جَفْرُدِي جәwурди — уриб кўрди. *أَرَأَيْتَ جَفْرُدِي* Әр оқ чәwурди — одам (тирноғи учидә) ўқни уриб кўрди. Ҳәр бир нарсани чап қўлнинг бош бармоғи тирноғи учидә айлантиришга ҳам бу сўз қўлланади.

جَفْرُدِي جәwурди — айлантирди. *أَلْ جَفْرَيْنِي جَفْرُدِي* ол чифрини чәwурди — у (қудуқ) чиғириғини айлантирди. Бошқаларга ҳам шундай. (*جَفْرَارُ جَفْرُمَاكُ* чәwуррә, чәwурмак).

سَفْرُدِي сәwурди — совурди, шопирди. *أَرْتَرِغْ سَفْرُدِي* Әр тариг сәwурди — одам буғдойни хирмонда шопирди — совурди ва тозалади. Ҳәр нарсани шамолда совуриш ва тозалашга ҳам бу сўз қўлланади. (*سَفْرَارُ سَفْرُمَاكُ* сәwурар, сәwурмак).

قَفْرُدِي қәwурди — қисди, сиқти. *بَلَاذُكَ كُنْكَ الْكِنُ* биләзүк кунә қәwурди — биләкузук каннизакнинг биләгини сиқди — қисди. Бирон нарсани сиқадиган ҳәр бир нарсага ҳам бу сўз қўлланади<sup>62</sup>. (*قَفْرَارُ قَفْرُمَاكُ* қәwурар, қәwурмак).

بَقْرُدِي бәқурди — туширди, пастга урди. *أَلْ أَتْ تَكِيرِنْدَا* ол ат тәғириндә бәқурди — у от нархини

<sup>62</sup> Басим Аталай бу сўзлар босма ва ёзма нусхаларда ҳам қәwурди қәwурди, қәwурар қәwурар қәwурмак қәwурмак шаклида бўлса ҳам, ҳозирги талаффузга асосан қәwурмак бўлиши тўғри деб кўрсатган (Қ. Д. л. т. таржимаси, II том, 82-бет). Лекин бу фикрга қўшилиш қийин.

пастга урди. Ҳәр нарсани ўз жойидан пастга туширилишига ҳам бу сўз қўлланади. (*بَقْرُرُ بَقْرُمَاكُ* бәқурур, бәқурмак).

بَقْرُدِي бәқурди — қаратди<sup>63</sup>. *أَلْ مَنكَا كَشِي بَقْرُدِي* ол мәнә киши бәқурди — у менга бировни қаратди. (*بَقْرُرُ بَقْرُمَاكُ* бәқурур, бәқурмак).

جَفْرُدِمُ чіқардیم — чиқардим. *مَنْ أَنِي أَفَدَنْ جَفْرُدِمُ* мәнәни әwдән чіқардیم — мен уни уйдан чиқардим. Бошқаларга ҳам шундай. (*جَفْرَارُ جَفْرُمَاكُ* чіқарур, чіқармак).

سَقْرُدِي сіқірди — овоз чиқарди. *قُشُ قُشُ سَقْرُدِي* қуш сіқірди — қуш чуғур-чуғур қилиб сайради. *كَشِي سَقْرُدِي* киши сіқірди — одам хуштак чалди. (*سَقْرَارُ سَقْرُمَاكُ* сіқірар, сіқірмак).

قَقْرُدِي қіқірди — қичқирди. *أَرَّ قَقْرُدِي* Әр қіқірди — одам бировни, бирор нарсани чақираётгандек, баланд овоз билан бақириб чақирди, қийқирди. (*قَقْرُرُ قَقْرُمَاكُ* қіқірар, қіқірмак). Шеърда шундай келган:

قُنِي قَقْرُبْ أَعْشُ تَرِدْمُ      يَغِي قَارُو كَرِشُ قُرْدْمُ  
تُقْشُ إِجْرَا أُرْشُ بَرِدْمُ      أَرَنْ كُورُبْ بَشِي تَغْدِي

<sup>63</sup> Босма нусхада бу гап таржимасида бир аниқсизлик белгиси бор. (Қ. Д. л. т., II том, 68-бет). Лекин Басим Аталай таржимасида ҳеч қандай изоҳ берилмаган (Қ. Д. л. т. таржимаси, II том, 38-бет).

Қузі қіқріб оғуш тәрдім  
Јағі қару кіріш қурдум  
Тоқуш ічрә уруш бәрдім  
Эрән көрүб баші тіғді

Қуйига қийқириб қабиламни тўпладим. Душман-  
га қарши ўқни камонга жойладим. Жанг майдо-  
нида отишдим. Менинг йигитларимни кўриб, боши-  
ни панага олди.

تەگۈردى — етгизди, тегдирди. **اَلْ مَنكَا بَكْدِنْ سُوْز**  
تَكَرْدِي ол мәнқә бәгдін сөз тәгүрди — у менга амир-  
дан сүз тегизди. Бошқалардан сүз тегизишга ҳам  
шу сүз қўлланади (**تَكَرْمَاكْ** **تәгүрүр**, **тә-  
гүрмәк**).

چۆкүрди — чўктирди. **اَلْ تَقِي جُكْرَدِي** ол тәқи чө-  
күрди — у туяни чўктирди. Одамни чўккалатиш-  
га ҳам шу сүз қўлланади. (**جُكْرْمَاكْ** **чөкү-  
рүр**, **чөкүрмәк**).

кәкірди — кекирди. **اَرَّ كَكْرَدِي** эр кәкірди — одам  
(кўп ейишдан, қорни тўйишдан) кекирди. Бошқа-  
ларга ҳам бу сүз қўлланади. (**كَكْرْمَاكْ** **кәкір-  
рәр**, **кәкірмәк**).

көкәрді — **كۆكۆرْدِي نَانْك** көкәрді нән — нарса  
кўкарди, осмон рангига кирди. (**كۆكۆرْمَاكْ** **көкә-  
рүр**, **көкәрмәк**).

көләрди — **كۆلۆرْدِي سُوْف** көләрді суф — кўлла-

ган сув, сув тўпланиб кўлга ўхшади, кўлга ай-  
ланди. (**كۆلۆرْمَاكْ** **көләрүр**, **көләрмәк**).

күләрді — **اَت كۆلۆرْدِي** ат күләрді — от қорни  
дамланиб шишганликдан чалқанча ётди. (**كۆلۆرْمَاكْ**  
**күләрүр**, **күләрмәк**) Мақолда шун-  
дай келган: **اَرَّ اَغْلِي مُنْكَا ذِمَّاسْ. اَت اَغْلِي كَلْرَمَاسْ**  
**эр оғлі муңазмас, ит оғлі күләрмәс** — одам боласи  
доим изтиробда қолмайди, бирор тадбир билан  
ундан қутулади, ит боласи отдек доимо чалқанча  
ёта олмагани каби.

тамурді<sup>64</sup> — **اَرَّ بُرْنِي تَمُرْدِي** эр бурни тамурди —  
кишининг бурни қонади. **اَرَّ يَغَاجْ تَمُرْدِي** эр йағач  
**тумурди** — одам ёғочни устуннинг ва шунинг каби-  
ларнинг тубига ўхшатиб юмалоқ доира қилиб кесди.  
(**تَمُرْمَاكْ** **тумурур**, **тумурмақ**).

чомурди — чўмдирди, шўнғитди. **اَلْ اَنِي سَفَقَا**  
**جَمْرَدِي** ол ані суфқа чомурди\* — у уни сувга чўм-

<sup>64</sup> Бу сүз ёзилишида биз асосланган нусхада шундай аниқсизлик бўлиб,  
яъни **تَمُرْدِي** шаклида берилган.

\* — Бу сүз Навоий асарларида худди шундай — сувга чўктириш, фарқ бў-  
лиш маъносида қўлланган.

Фарқ бўлди нотавон жисмим сиришким баҳрида,

Гарчи сув неча тиранг бўлса чўмурмас коҳни.

(Дарё ҳар қанча чуқур бўлса ҳам, сомонни чўктирмаслиги ҳақиқат эди. Лекин  
кучсизликда сомон қатори ожиз гавдамни кўз ёшим дарёси чўктирди).

дирди, шўнғитди, ботирди. **جُمُرُ: جُمُرْمَاق** чому-  
рур, чомурмақ (ёки **جُمُرْدِي: جُمُرْمَاق** чомўр-  
мак, чомўрўр, чомўрди ҳам дейилади). Бу форма  
биринчи формага нисбатан чуқурроқ чўктириш  
маъносидадир.

**سِمُرْدِي** с им ўрди — симирди. **اَل سُوْتِك سِمُرْدِي** ол сўтүг  
**с имўрди** — у сутни симириб ичди. Бошқаси ҳам  
шундай. (**с имўрўр, с имўрмак**)<sup>65</sup>.

**سِبُرْدِي** с ў п ўрди — супурди. **اَل اَف سِبُرْدِي** ол әw сўпўр-  
ди — у уй супурди. Бошқаси ҳам шундай. (**с ибўрўр,**  
**с ипўрмак**).

**كَمُرْدِي** к ғ м ўрди — кемирди. **اَل سُنْكُو كَمُرْدِي** ол сөнүк  
**к ғ мўрди** — у сўнгак кемирди. (**к ғ мўрмак**),  
**к ғ мўрўр, к ғ мўрмак**).

**تُنُرْدِي** т ў н ғ р ди — қоронғиланди. **تُنُرْدِي يِر** тўнғирди **jər**  
— жой қоронғиланди, қоронғи бўлди. Замон  
учун ҳам шундай дейилади. (**тўнғирмак**)  
**тўнғирўр, тўнғирмак**

**تَبُرْدِي** т ғ б ў з ди — пичинг қилди. **اَل مَنكَا سُو ز تَبُرْدِي** ол  
**м ғ н ғ а с ғ з т ғ б ў з ди** — у менга пичинг отди, илмоқ-

<sup>65</sup> Басим Аталай бу сўзнинг ёзилиши ҳақида гапириб, қўлғезмада бу сўз  
**سِمُرْمَاق** **с имўрмак, с умўрмак** шаклида ноаниқ ёзилганини, **سِمُرْمَاق** — **с умўр-**  
**мак** тўғри деб изоҳ берган (қ. „Девону луғотит турк“ таржимаси, II том, 85-бет).  
Бизда ҳозирги жонли тилда босма нусхада берилганичадир („Девону луғотит-  
турк“, II том, 70-бет).

ли қилиб сўзлади). (**تَبُرْمَاق: تَبُرْمَاق** **т ғ б ў з ў р, т ғ -**  
**б ў з м а қ**).

**تَتُرْدِم** т у т у з д у м — ишорат қилдим. **مَنْ اَنْكَار سُو ز تَتُرْدِم**  
**м ғ н а қ а р с ғ з т у т у з д у м** — мен унга сўзни ёки  
риоя қилиши керак бўлган нарсани ишорат қил-  
дим, уқтирдим. (**т у т у з ў р, т у т у з м а қ**)

**تَمُرْدِي** т а м у з д и — томизди. **اَل سُو ف تَمُرْدِي** ол сўw та-  
**музди** — у сув томизди. Бошқаси ҳам шундай.  
(**т а м у з ў р, т а м у з м а қ**).

**كَنْزِدِي** к ғ з ғ а з ди — кутди, сақлади. **اَل مَنكَا كَنْزِدِي** ол м ғ-  
**н ғ а к ғ з ғ а з ди** — у нарсани менга сақлади (асради).  
**اَل مَنِي كَنْزِدِي** ол м ғ н и к ғ з ғ а з ди — дейилади, у мени  
кутди маъносидадир. **كَنْزِدِي** к ғ з ғ а з ди бу сўз „сақ-  
ламоқ“ ва „кутмоқ“ маъноларида қўлланади.

(**к ғ з ғ а з ў р, к ғ з ғ а з м а қ**). Бу сўзнинг  
асли **كۆز اتى كۆز یتتى**, яъни эсида тутиш учун  
кўзини бир нарсага отди, ташлади демақдир.  
Бошқа бир тилда **كۆز اتى كۆز یتتى** кузатдидир.  
سَاتْنَدِي сатінді — сотадигандек кўринди. اَر اَتْن سَاتْنَدِي әр атін сатінді — у киши отини сотаётгандай күрсатди. (سَاتْنَمَاقُ. سَاتْنُورُ сатінур, сатінмақ).

سَاجْنَدِي саҷинді — сочди. اَر اَوْزَنكا سَوْف سَاجْنَدِي әр өзінә суw саҷинді — у одам ўзига сув сочиш билан шуғулланди. (سَاجْنَمَاقُ. سَاجْنُورُ саҷинур, саҷинмақ).

سُجْنَدِي сўчўнді — ширин туюлди. اَر سُوْزْكا سُجْنَدِي сўзгә сўчўнді — киши сўзнинг ширинлигини тотди, сўзга берилди, ишига қарамади. (سُجْنَمَاقُ. سُجْنُورُ сўчўнур, сўчўнмақ). Мақолда шундай келган: سُوْزْكا سُجْنَسَا بَلَنْ بَرِيْر сўзгә сўчўнсә булун барір — одам сўзнинг ширинлиги билан лаззатланса, унга асир бўлиб кетади. Бунинг бир ҳикояси бор. Бу мақол эшитаётган сўзига қизиқиб, қилаётган ишни ташлайдиган киши тўғрисида айтилади.

سَرْنَدِي саринді — ўради. اَر سُرْلَقْن سَرْنَدِي әр суwлқин

сариндї — одам саллани бошига ўради. **أَرَاغْتُ بَرْنَجِكُ**  
урағут бурунчук\* сариндї — хотин бошини  
ёпинчиқ билан ўради. Умуман бирор нарса ёпи-  
ниш, ўраш, кийинишга ҳам бу сўз қўлланади.  
(**سَرِنَمَاقُ**. **سَرِنُورُ** саринур, саринмақ).

**سَرِنْدِي** сариндї — ҳисоблади, ўйлади, санади. **أَرَايْشَقَا**  
ёр ишқа сариндї — одам ўзини мақсадига  
етган киши қаторида санади. (**سَرِنَمَاقُ**. **سَرِنُورُ** сарин-  
нур, саринмақ).

**سُرُونْدِي** сўрундї — қашинди. **كِيْشِي اَوْزِي يِيْنِي سُرُونْدِي** киши ўз  
йизинин сўрундї — одам ўз баданини қашиди. Қат-  
тиқ бир нарсани эзишга ҳам бу сўз қўлланади.  
(**سُرُونَمَاقُ**. **سُرُونُورُ** сўрунур, сўрунмақ).

**سُرُونْدِي** сўрундї — тинитди, тозалади. **أَرَاوْزُنْكَا سُوْفُ سُرُونْدِي**  
ёр ўзиқа суw сўрундї — киши ўзига сув тинитган-  
дай кўрсатди. (**سُرُونَمَاقُ**. **سُرُونُورُ** сўрунур, сўрун-  
мақ).

**سِيْزِنْدِي** сёзиндї — гумон қилди. **أَلْ اَنَكَارُ سِيْزِنْدِي** ол

\* Бурунчук сўзи 1-томда пешанавоғ, бошга ўраладиган рўмол маъносида қўлланган эди. Бу ерда бошга ўраладиган ёпинчиқ маъносидадир. Навоийда бу сўз ҳарир рўмол маъносида келган:

Сочиди шабнам бурунчук, э кўнгил, эрмас ажаб,  
Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб қилмағил.

ақар сёзиқ сёзиндї — у, у одам ҳақида гумон қил-  
ди. (**سِيْزِنْمَاقُ**. **سِيْزِنُورُ** сёзинур, сёзинмақ).

**سَسِنْدِي** сёсиндї — уришга қасд қилди. **أَرَقَلْنُ اُرْغَالِي سَسِنْدِي**  
ёр қулн урғали сёсиндї — одам қулини уришга  
қасд қилди. От боғини бўшатишга яқинлашса ҳам  
бу сўз қўлланади. (**سَسِنْمَاقُ**. **سَسِنُورُ** сёсинур, сё-  
синмақ).

**سُسُونْدِي** сўсундї — ураётгандай кўринди. **أَرَبَاشِنُ تَامَقَا**  
ёр башн тамқа сўсундї — киши боши би-  
лан деворни ураётгандай кўринди. Бошқаси ҳам  
шундай. (**سُسُونْمَاقُ**. **سُسُونُورُ** сўсунур, сўсунмақ).

**سَغِنْدِي** сағиндї — соғаётгандай кўринди. **أَرَقُوَيْنُ سَغِنْدِي**  
ёр қоюн сағиндї — киши қўйни соғаётгандай кў-  
ринди. (**سَغِنْمَاقُ**. **سَغِنُورُ** сағинур, сағинмақ).

**سَوُونْدِي** соғундї — совуқ еди. **أَر سَوُونْدِي** эр соғундї —  
одам совуқ еди. Бу гап сийдик ва бошқалардан  
тозаланишга ҳам қўлланади. (**سَوُونْمَاقُ**. **سَوُونُورُ** соғу-  
нур, соғунмақ).

**سِغِنْدِي** сїғиндї: **كِيْجِيْكَ تَرْغَقَا سِغِنْدِي** кёжиқ турағқа сїғиндї —  
кийик туроққа, турар жойга — инга (оғилига) си-  
гинди. Бошқа бирига сиғинган ҳар нарсага ҳам бу  
сўз қўлланади. **مَنْ تَنْكْرِيْكَ سِغِنُورْمَنْ** мэн тәдригә сї-  
ғинурман. Мен худога сиғинаман, дейиш ҳам шун-  
дандир. (**سِغِنْمَاقُ**. **سِغِنُورُ** сїғинур, сїғинмақ).



سەۋىندى سەۋىندى — ар сәуінді — одам севинди,  
қувонди. (سەۋىنۈر. سەۋىنمەك) сәуінүр, сәуінмәк).

Шеърда шундай келган:

سەۋىنمەككە يۈرۈپ اۆزۈڭنى كۆرۈپ بېرىپ تۇر  
اۆزۈڭنى كۆرۈپ اۆزۈڭنى كۆرۈپ تۇر

Сәwinмагил јунд өгүр, азғір анін алтун — күмүш  
бөлнәбән ағі тавар — йилқи, наслдор от, айғир ва  
нор туялар, шунингдек, олтин-кумуш ва ипакли  
кийимлар топганингга суюнма, ўзингга ҳунар ва  
санъат орттир.

سەۋىندى сағінді — соғинди, ҳисоблади, гумон қилди.  
اۆزۈڭنى سەۋىندى ол мәнә эзгү сағінді — у мени  
эзгү — яхши соғинди, гумон қилди, синади ва  
кўнглида буні сир тутди. Сўз билан (бирова-  
бировига) ёрдам берса ҳам шундай дейилади.  
(سەۋىنمەك. سەۋىنۈر сағінур, сағінмақ).

سەۋىندى сақінді — сақланди, ҳазар қилди. اۆزۈڭنى سەۋىندى  
ол мәндин<sup>148</sup> сақінді<sup>149</sup> — у мендан сақланди. Бу  
сўздаги ق ҳарфи олдинги сўздаги ق дан қаттиқ.

<sup>148</sup> Чиқиш келишиги қўшимчаси дан ёки дин тарзида учрайди. Навоий асарларида фақат дан учрайди. Шунинг учун навоийшунослар: Навоийда дин йўқ, Фузулийда дан йўқ, деган хулоса чиқаргандирлар.

<sup>149</sup> Ҳозирги тилда қўлланувчи сақланди сўзи ана шу ўзакдан бўлиб, мазмун ҳам бирдир. Фарқ шундаки, бир л орттирилган варианты бизга етиб келган. Бундай ҳарф орттирилиб, ҳарф туширилиб етиб келган сўзлар мисоли тилимизда тез учрайди.

سەۋىندى суқунди — ювди. اۆزۈڭنى سەۋىندى урағут ба-  
шін суқунди — хотин бошини ювди. Бу уч қаби-  
ласининг сўзидир. (سەۋىنمەك. سەۋىنۈر суқунур, су-  
қунмақ).

سەۋىندى сөкүнді — чүкди<sup>150</sup>. اۆزۈڭنى سەۋىندى  
сөкүнді — у киши бекка тиз чүкди. Бек олдида  
(тавозиъ билан) чүккалаб ўтирди. اۆزۈڭنى سەۋىندى  
ол тонін сөкүнді — у тўнининг чокларини сўкаётган-  
дай күрсатди. (سەۋىنمەك. سەۋىنۈر сөкүнүр, сөкүнмәк).

سەۋىندى салінді — солинди, тортиб олинди<sup>151</sup>. يۈرۈپ سەۋىندى  
јінју қулақтін салінді — марварид қулоқдан  
чиқариб олинди. Ҳар нарсани тортиб, чиқариб

<sup>150</sup> Фонетик қондага мувофиқ сөкүнді сўзи бизга чүкди тарзида етиб келган.

<sup>151</sup> Солмоқ сўзи у давр тилида бир неча маънода қўлланган бўлса ҳам, бизга фақат бир нарсани қўймоқ маъносигина етиб келган. Ошга ёғ солмоқ, челаққа сув солмоқ ва бошқалар. Шу билан бирга бу сўзда бини қилмоқ, урмоқ каби янги маънолар юзага келган. Бу сўзнинг айириб олмоқ маъноси Навоий асарларида ҳам учрайди. Навоий „Ҳайратул аброр“да мастларнинг шарманда кўринишларини тасвир қилар экан, шундай ёзган:

Не топибон бошида дасторини,

Не кўрубон белида динорини.

Қин қолибон йўлда пичоғин солиб,

Кафши доғи бир тушубон бир қолиб.

Маст жуда аянч ҳолда уйига келиб хушёрлангач, на бошида салласини топади-ю, на чўнтагида пулини топади. Ҳатто белбоғидаги пичоғини ҳам тортиб олиб, қинини йўлга ташлаб кетганлари маълум бўлади. Кавушининг ҳам бир пойи бор, бир пойи тушган эди.

олишга ҳам бу сўз қўлланади. (سَلْنُورُ. سَلْنِمَاقُ) сал-  
лнур, салнмақ).

қапінді: (قَبْنَدِي) ар тавар қапінді — одам  
буюмларни шилиб олаётгандай кўринди. (قَبْنُورُ.  
قَبْنِمَاقُ) қапнур, қапнмақ).

қапінді: (قَبْنَدِي) ағлан йил қапінді — бо-  
лага ширинча чиқди (бош яраси) чиқди. (قَبْنُورُ.  
قَبْنِمَاقُ) қапнур, қапнмақ).

қатінді — аралаштиргандек кўринди. (اَلْ تَلْقَانَا  
قَتْنَدِي) ол талқанқа жағ қатінді — у толқонга ёғ  
қориштираётгандек кўринди. (قَتْنُورُ. قَتْنِمَاقُ) қатн-  
нур, қатнмақ).

қутанді: <sup>152</sup> (قَتْنَدِي) қутанді нэц <sup>153</sup> — қутлан-  
ган нарса. (قَتْنِمَاقُ. قَتْنُورُ) қатнур, қатнмақ).

қачінді — қочаётгандек кўринди. (اَلْ مَنْدَنْ قَجْنَدِي  
قَجْنَدِي)

<sup>152</sup> Босма нусхада сўзнинг ўқилиши ноаниқ қолдирилган, ёнида аниқсиз-  
лик белгиси қўйилган. Басим Аталай ёзма нусхада қутанди экани ҳақида изоҳ  
берган (II том, 154-бет).

<sup>153</sup> Бу сўз бундан олдин берилган феълнинг мафъул формасидир. Арабча  
изоҳида кичик бир техник янглишлик кетган (مَجْلُوْحًا) мајдухан сўзи  
мајдудан бўлиб кетган, حـ шакли دـ шаклига ўхшаб қолган.

ол мэндін <sup>154</sup> қачінді — у мендан қочаётгандек кў-  
ринди. (قَجْنُرُ. قَجْنِمَاقُ) қачнур, қачнмақ).

қурунді — қурумсоқлик қилди. (اَلْ تَقَارِنَا قُرْنَدِي  
ол таваріца қурунді — у молига қурумсоқлик, ба-  
хиллик қилди. (قُرْنِمَاقُ. قُرْنُورُ) қурнур, қурнмақ).

қурунді ар қурунді — у киши ювинган-  
дан сўнг ўзини қуритди. (قُرْنِمَاقُ. قُرْنُورُ) қурнур  
қурнмақ).

қірінді — пўстини, қобиғини ажратаётгандай кў-  
ринди. (اَلْ نَانَكْنِي قِرْنَدِي) ол нэцні қірінді — у бир  
нарсанинг қобиғини ажратаётгандек кўринди. (قِرْنُورُ.  
قِرْنِمَاقُ) қірінур, қірінмақ).

қазінді — қазिशга тутунди. (اَلْ اَوْزِنَا قُذْغُ قَزْنَدِي  
ол озіца қузуғ қазінді — у ўзига қудуқ қазिशга  
тутунди. Қудуқ қазіётгандай кўринишга ҳам бу  
сўз қўлланади. (قَزْنِمَاقُ. قَزْنُورُ) қазнур, қазнмақ).

бэзанді, қузанді; (بَزْنَدِي. قُرْنَدِي) урағут бэ-  
занді, қузанді — хотин ўзига оро берди, безанди,  
зийнатланди. (قُرْنِمَاقُ. قُرَانُورُ) қузанур, қузанмақ).

<sup>154</sup> Басим Аталай ёзма нусхада бу сўз міндин шаклида экани ҳақида изоҳ  
берган (II том, 154-бет).

قَسْنَدِي كۈچۈندۈ — бахиллик қилди. اَر تَقَارُن قَسْنَدِي ۋر таварін қисінді — у киши мол-буюмларини чиқим қилишга қисинди — қурумсоқлик қилди. Киши сийдигини чиқаришда қисишга ҳам бу сўз қўлланади (قَسْنَمَاقُ قۈсінур, қисінмақ).

قَشْنَدِي қашанді — ат қашанді — от ва бошқа ҳайвонлар сийди. Бу сўз асосан отга хосдир. قَشْنَوْرُ қашанур, қашанмақ).

قَلْنَدِي қолунді — сўради. اَر نَانَك قَلْنَدِي ۋر нәң қолунді — одам бир нарсани сўради. قَلْنَوْرُ қолунур, қолунмақ).

قَلْنَدِي қілінді<sup>155</sup> — қилди. اَر تَكْمَا قَلْنَج قَلْنَدِي ۋر тәгмә қілінч қілінді — одам ҳар бир ишни ишлади. Ҳаддидан ошмоқ, истаган кишига اَكْش قَلْنَمَا ўғуш қілінма дейиш шундандир — кўп ҳаддингдан ошма демақдир. (قَلْنَمَاقُ قَلْنَوْرُ қілінур, қілінмақ).

كَجْنَدِي кәчүнді: اَر سَوْف كَجْنَدِي ۋر суw кәчүнді — одам сувдан кечиb ўтаётгандек кўринди. كَجْنَوْرُ кәчүнур, кәчүнмақ).

<sup>155</sup> Мажхул формада берилган бу феъл мажхул эмас, қилди маъносидаги маълум шаклдир. Бу феълнинг шу маънида қилди варианты ҳам бор. Демак, бу феъл очилди, очилинди (I том, 216-бет) ва ошинди, ошди (I том, 175-бет)лар каби икки вариантли феъллардандир.

كَجْنَدِي кўчәнді — ат кўчәнді — от кучанди, от оғир юк кўтаришдан заифланди. اَلْ اَنَكُ ол анің таварін кўчәнді — у кишининг молига зўравонлик қилди. Олдингиси ўтимсиз, буниси ўтимлидир. (كَجْنَمَاقُ كَجَانَوْرُ кўчәнур, кўчәнмақ).

كَجْنَدِي кичинді: اَرَاغْت كَجْنَدِي урағут кичинді — хотин шўхлик қилди, йўлдан озди. Итоатсизлик маъносидаги كَجْنَمَا кичинмә сўзи шундан олинган. Асли аَت كَجْنَدِي ۋت кичинді — бадан қашилди иборасидаги сўздандир. (كَجْنَمَاقُ كَجِنَوْرُ кичинур, кичинмақ).

كِرْنَدِي кірінді — шўнғиди. اَر سُقْدَا كِرْنَدِي ۋر суwда кірінді — одам сувга тушди, чўмилди. اَرَاغْت كِرْنَدِي ۋر ۋwгә кірінді — одам уйга кираётгандай кўринди. (كِرْنَمَاقُ كِرِنَوْرُ кірінур, кірінмақ).

كِرْنَدِي көрүнді — йўлиқди, учрашди, кўринди. اَلْ بَكْ كَا كِرْنَدِي ол бәккә көрүнді — у бекка учрашди, йўлиқди ва кўринди.

كِرْنَدِي көрүнді — кўринди, билинди, кўзга маълум бўлди. تَاغ كِرْنَدِي тағ көрүнді — тоғ кўринди ва зоҳир бўлди. Бошқаси ҳам шундай. Узоқдан қора

қолида кўринган ҳар бир қорага ҳам шу сўз қўлланади. (كۆرۈنۈر، كۆرۈنماك).  
 كۆزۈندى نانگ كۆزۈندى نەڭ — нарсә кўринди. Арғулар сўзидир. Бунда бир қоида бор. Бу сўз кўз сўзидан олинган, аммо арғулар буйруқ шаклида ўтган замон феълига тескари қўллайдилар. Яъни, буйруқ феълида كۆر кор ر — р билан қўллайдилар, аммо ўтган замон феълида ز — з билан қўллайдилар. (كۆزۈنۈر، كۆزۈنماك).

كەسىندى كەسىندى — ўзига кесди. اَلْ اُوْزِنَا اَت كەسىندى ол озинә 3т кәсиндй — у ўзи учун гўштдан бир бўлак кесди. Бошқаси ҳам шундай. (كەسىنۈر، كەسىنماك).

كۈشۈندى كۈشۈندى — сояга ўтди. اَر كۈنكا كۈشۈندى 3р кўнгә кўшۈндй — киши кундан, қуёшдан сояга ўзини олди, сояланди. Шунингдек, бирән кишидан бекинса ҳам كۈشۈندى кۈшۈндй сўзи ишлатилади (كۈشۈرۈر، كۈشۈرماك).

كۈشۈندى كۈشۈندى — мақтанди, фахрланди. اَل مەنك بَرلا ол мәннй бйрлә кۈшۈндй ол мәннй бйрлә кۈшۈндй — у мен билан қувонди, фахр қилди. (كۈشۈرۈر، كۈشۈرماك).

كۈندى كۈندى — кула бўлди, толди. اَر اَلِكى اَذاقى كۈندى 3р әлигй, азақй кۈлۈндй — кўп ҳаракат қилиш, кўп юришдан одамнинг қўл, оёқлари боғлаб қўйилган-

дай кучсизланиб чалишди. (كۈنۈر، كۈنۈر).  
 كۈنۈر، كۈلۈنماك).

كۈمۈندى كۈمۈندى — бекитилгандек кўринди. اَر تَقَارن كۈمۈندى 3р таварйн кۈмۈндй — одам молини бекитаётгандек кўринди. (كۈمۈنۈر، كۈمۈنماك).  
 Бу фасл бир неча хилдир:

Биринчи, бошқаларнинг ёрдамисиз ишловчининг бир ўзи ишнинг қилганини англатади. Бу феълнинг асли икки ҳарфлидир. اَل اَفكا بَرندى ол әвгә барлндй — у уйга кетмаган бўлса-да, кетаётгандек кўринди ва اَل اَش تۈندى ол аш татлндй — у ош тотингандек кўринди. Аслида ул тотинмагандир. Бу хил феъллар арабча тафоул бобига ўхшайди. Чунончи, арабларда تَصامَّ الرَّجُلُ одам ҳақиқатда кар бўлмаган бўлмаса-да, кар кўринди, карликка солди, تَعاقَلَّ одам ўзи ҳақиқатда ақлли бўлмагани ҳолда ақлли кўринди демакдир.

Иккинчи, ишда ишловчи ёлғиз ўзи бировнинг ёрдамисиз ишлаганини билдиради. 3р алимйн аллндй — қарз берган одам қарзини бир ўзи ундириб олди.

اَل تَرغ تَرندى ол тарғ тарлндй — у ўзи учун

ёлғиз ўзи экин экди. Феъл бу маънода қўлланганда гапта **أَوْزِ** озидә **أَوْزِي** özi сўзлари бирга қўлланилиши керак. Бу гаптаги жўналиш қўшимчаси **ка-га учун\*** маъносидадир. Аммо ўзига шундай кўринган бўлса ҳам, ҳақиқатда бўлмаган иш мазмунида қўлланганда, **ўзи** сўзини қўлламаслик ҳам мумкин. Булар орасидаги фарқ шу ердаки: феъл одамлар орасида муштаракдир. Ишни бир одам бошқалар иштирок этмай бажара олса, шу маънони биров ёрдамсиз қилганини англатмоқ учун **أَوْز** өз сўзини қўлланмаса, сифат тамом тўлиқ бўлмайди. **أَوْز** өз сўзини қўшгандагина тўлиқ бўлади. Шундагина бу феъл ишловчининг бир ўзига хос бўлиб қолади, шундагина муштаракликдан чиқади. Чунончи, оятда **فَاَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ** ўзингизни ўлдирингиз иборасидаги ўлдирингиз деганда ўлдириш сўзи ҳаммага умумийдир. Ўзингизнинг сўзини қўллаш бу ерда бошқалардан айириб хослайди.

Феъл кўрсатиш (\*) мазмунида қўлланганда ўтимсиз бўлади. У феълда муштараклик бўлмайди. Бу ерда **أَوْز** өз сўзи айтилмаса ҳам, ўтимсиз

\* Айрим туркологлар туркий тилда махсус сабаб келишиги бор деб тахмин қилганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг бу изоҳи: жўналиш келишиги баъзан сабаб функциясида қўлланади деган фикрда эканини исботлайди. Девон „Кутодгу билик“да ҳам бунга мисоллар кўп:

Кўруклук тўнуғ ўзунга

Татлиғ ашинг азинқа.

Бу иш қилғуга манга ери бер.

Бу ишни қилиш учун манга ёрдам бер.

феъл шу муштараксизлик маъносини англатади. Бу ҳолда **أَوْز** өз сўзини қўллашга зарурат қолмайди, маъно нуқсонсиз тамом бўлади. Чунончи, оятда **كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظِرٌ** каби, яъни арабчада ҳам бундай ҳолларда нафс — ўз сўзи қўлланмайди. Бу иборада **أَنْ رَأَى نَفْسَهُ** أستغنى дейилмай, аксинча нафс сўзи туширилади. Бу „ишнинг охирига қара“ маъносида **إِشْقًا بِقَن** Ўшқа бақин дейишимиз, сув ичига шўнғи, ювин маъносида **سُقْمًا كِرْن** суwқа кiрiн тарзида қўллашимиз ҳам шу қоидага мосдир. Чунки бу бўлимда **ل**-л билан **ن**-н ҳарфларининг бири ўрнига бири алмашиб тенг келиши бор. Чунончи, **بِتَكَ بَتْدَى** битiк битiдi — ёки **بِتْدَى** битiндi каби ҳар икки вариант ҳам бирдир. Мазмун ҳам бир — китоб ёзилди демакдир. Бу феълларда **ل**-л ҳам, **ن**-н ҳам мажҳул феъл белгисидир. **ل** билан **ن** нинг тенг келиши араб тилида ҳам бордир, чунончи, **رَجُلٌ** ибораларида **ل** билан **ن** алмашиб келгани каби.

Тўртинчи, юқоридаги мазмунларни ифода қилмай, ўз бошича мустақил, ўзининг аслий маъносида қўлланувчи бир феъл сифатида қўлланади. **تَنْكِرِيكًا تَبْنَدَى** тэнкригä тапiндi — худога ибодат қил-

ди. **تَنْكِرِيكَا سَغْنَدِم** тәңригә сiғiндiм — худога сiғиндим каби. Шу маънолар иллатли,<sup>156</sup> ғуннали<sup>157</sup> ва бошқа уч ҳарфли, тўрт ҳарфли феъллар учун ҳам татбиқ этилади.

Қоида: уч ҳарфли келаси замон феъллари икки хилдир. Уларнинг бир хили — ўртаси сукунли феъллардир. Чунончи, **اَل تُون كَزْدِي** ол тон кәзүрди — у тун кийдирди гапидаги **كَزْدِي** кәзүрди феъли каби. Бу феълнинг келаси замон формаси **كَزْرُو** кәзүрүрди, яъни ўтган замон феълида ҳаракатли талаффуз қилинувчи **ز** -з ҳарфи келаси замон формасида сукунли — ҳаракатсиздир, Яна: **تَنْكِرِيكَا تَبْنَدِي** тәңригә тапiндi — худога ибодат қилди гапидаги **تَبْنَدِي**—тапiндi феълининг келаси замон формаси **تَبْنُور**—тапiнур каби. Бу феълнинг ўтган замон формасида **ب** || п ҳаракатли, келаси замон формасида **ب** сукунлидир.

<sup>156</sup> Феъл ўзагида а, у, и ҳарфларидан бири ёки икkitаси бўлган феълга **مَتَل** „муътал“ феъллар дейилади. Бу муътал феъллар ҳам яна бир неча хил ном билан аталади. Шу ҳарфлардан бири биринчи ҳарфда келса мисол дейилади, биринчи ҳарф **و** ли бўлса „мисоли вови“, **ي**—й—ли бўлса, „мисоли ёйи“ дейилади. У ҳарфлардан бири ўртада бўлса „ажваф“ дейилади. Ўртадаги товуш **و** бўлса „ажвафи вови“, **ي**—й бўлса „ажвафи ёйи“ дейилади. У ҳарфлардан бири охирда бўлса, „ноқис“ дейилади. Охирги ҳарф **و** бўлса, „ноқиси вови“, **ي**—й бўлса „ноқиси ёйи“ дейилади. Агар феълда у ҳарфлардан икkitаси бўлса, „лафиф“ дейилади. Улар ёнма-ён келса, „лафифи мақрун“ дейилади. Агар у ҳарфлар ёнма-ён келмаса, „лафифи мафруқ“ дейилади.

<sup>157</sup> Таркибида бурун товушлари бор бўлган сўзлар ғуннали дейилади.

Бу феълларнинг бир хили ўтган замон ва келаси замон формаларининг ҳар бири ҳам ўрта ҳарфи ҳаракатли бўлган феъллардир. Чунончи, **اَت قَلَاق تَقْرُدِي** ат қулақ тўwўрди — (бирор сезги натижасида) от қулоқларини тиккайтди. Бу феълнинг ўтган замон шаклида **ف** w ҳарфи ҳаракатли бўлганидек, келар замон шакли ҳам (ўша **ف** “ ҳарфи) ҳаракатли **تَقْرَار** — тўwррди. Яна **تَنْكِرِي مَنِي كَزْدِي** тәңри мәни кўзәзди — худо мени сақлади гапидаги **كَزْدِي** кузәзди феълининг келаси замон шаклида -з ҳарфи характерлидир. Бунга асос: исмдан ясалган феълларнинг келаси замон формасининг ўртасидаги ҳарфи, асосан, ҳаракатли бўлади. Чунончи: **تَشْك تَشَلْدِي** тәшәк тәшәлдi — ўрин солинди, **تُكُون تَكَلْدِي** тугўн тугўлдi — тугун тугилди, **تَرِغ سَقَلْدِي** тарiғ суwалдi — тариқ суғорилди каби<sup>158</sup>.

Туб феълларда келаси замон феълининг ўрта ҳарфи, асосан, сукунли бўлади. **سُوت سَغَلْدِي** сўт сағiлдi — сўт соғилди каби. **سَغَلْدِي** сағiлдi феълининг келаси замон формаси **سَغْلُر** сағлур. **كُون سَقَلْدِي**

<sup>158</sup> Масала келаси замон феъли ҳақида борса ҳам, берилган мисолда у форма келтирилмаган.

кўн сауулдī — кун оғди гапидаги سَوُّلْدِي сауулдī феъли سَوُّلُر саулур тарзида ўрта ҳарфи сукунлидир.

Бу бобнинг бўлимлари бошқаларда бўлмайдиган бир қанча мазмунларга эга.

Таркибида ر-р ҳарфлари бўлган феъллар уч хилдир. Биринчиси исмдан тузилган феъллардир. Чунончи, تُون قَزَرْدِي тон қīзардī — тўн ва бошқалар қизил бўлди. Бунинг асли قَزِيل اَرْدِي қīзīл эрдī — қизил эди. Л билан э туширилди. Туб феългина бўлиб қолди. Яна, تُون قَرَرْدِي тон қарардī\* — тўн қорайди. Бу феълнинг асли قَرَا اَرْدِي қара эрдī — қорага айланди бўлиб, қора сўзидан ясалган.

Иккинчиси икки ҳарфли ўтимсиз феъллардир.

Буларда ر-р ҳарфи феълни ўтимли феълга айлантиради.

\* Қарормоқ бизда ҳозир қораймоқ тарзида қўлланилади. Навоий асарларида ҳар ерда „Девон“дагича қарормоқ шаклидадир.

Жон нақдин олурға кўз қорартиб (Ҳамса, 134-бет).

Баским ғам ўти танин қарортиб (Ҳамса, 135-бет).

Ёлғон нафос чу урди қорорди ҳам ул нафас. (Фавондул кибар).

Кузум андоғ қорармиш тийра зуҳд ичраки гар соқий (Фавондул кибар).

Фитнаки кўзига сурма тортиб,

Жон нақдин олурға кўз қорортиб.

اَر سَوْف كَجْتِي эр суw кэчті — одам сувдан ўтди. Бу гапда кэчті сўзи ўтимсиз, اَنِي سُقْدَن كَجَرْدِي ані сувдан кэчўрди гапида эса бу феъл ر-р ортирилиб, ўтимлига айлангандир. Яна: اَر قَجْتِي эр қачтī — одам қочди гапидаги қачтī ўтимсиз феълдир, ر-р қўшилиб, ўтимлига айланди. قَاچَرْدِي қачурдī — қочирди каби.

Учинчи, ر-р ҳарфи ўзакнинг асосий ҳарфидан бўлиб, бу маъноларни англамайди, ўзи шу формадаги мустақил феъл сифатида қўлланади. Чунончи: اَنَك بَيْنِن قَزَرْدِي анің бојнīн қазīрдī — унинг бўйнини қайирди. قَاپ قَتَرْدِي қап қутурдī — қоп ичига солинган нарсадан бўшади.

Бу бобдаги феълларда ز-з ҳарфи икки хил вазифани бажаради: ز-з ҳарфи бир хил феълни ўтимлига айлантириш вазифасини бажаради. Чунончи: اَر سَوْف تَمَزْدِي эр суw тамуздī гапидаги تَمَزْدِي тамуздī каби.

Иккинчи хил феълда ز-з ҳарфи бундай вазифада қўлланмай, ўзакнинг асосий ҳарфи сифатида ишлатилади. تَبَزْغُق تَبَزْدِي табузғуқ табуздī — томизғини томизди каби.

Таркибида ش-ш ҳарфи бор феъллар вазифаси ҳақида юқорида айтилган.

ق-қ, ك-к ҳарфли феъллар икки хилдир. Биринчиси икки ҳарфли феъллардан бўлиб, ق، ك

-к, -қ қўшилиб, исталмаган ишнинг таъсири остида қолганини, кутилмаган иш бўлгани, енгилганини англатади. Чунончи: **أَرَّ يَغِيْقَا بَسَقْتِي** эр jaғi-қа басiқтi — одамга кечаси хужум қилинди, уни душман бости, душманга мағлуб бўлди, демакдир. **أَرَّ أَسُقْتِي** эр усуктi — чанқади. Одамда чанқоқлик ғалаба қилди. Бу феълларнинг асли **أَسَدِي** **بُسْدِي** бусдi, усдiдир.

к-к ҳарфли феълларга мисол: **تَوْنٌ كَرِكْتِي** тон кiрiктi — тўнда кир ғалаба қилди, тўнни кир босди. **أَرَّ كَنْكْتِي** эр кiнiктi — одамда заифлик ғалаба қилди. Ҳатто шерикларидан орқада қолди. Бу хил феълларнинг яна бир тури бундай мазмунларни англатмай, асл маъносида қўлланади. Чунончи, **أَرَّ أَفْكَ أَشَقْتِي** эр əwғä ашуктi — одам уйига шошилди. **أَرَّ إِشِي جُلْكَتِي** эр iшi jʉlʉктi<sup>159</sup> — одамнинг иши (кўриниши) ёмонлашди.

л-л, н-н ли феъллар ҳақида юқорида айтилди.

Бу бобларнинг масдари **فَعَلَّلَ** фаълаллол шаклларида ўрта ҳарфи ҳаракатли бўлади. Чунончи, **جُرْمَاكُ كَتْرُمَاكُ** jʉк кiтʉрмак, қачурмақ каби. Булар туб масдарлардир.

<sup>159</sup> **أَشِي** сўзи гавдаси, қиёфаси деб изоҳланган. Басим Аталай бу сўз бўлса керак деб тўғри изоҳ берган (қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 160-бет).

Бир сўзнинг бошқасига боғланиши, (изофа) натижасида юзага келадиган ясама масдар **فَعَلَّلِي** фуъллули шаклида — ўрта ҳарфи сукунли шаклда бўлади. Чунончи: **أَنْكَ يَكُ كَتْرُكِي كُرُ** анiң jʉк кiтʉ-ўргi кiр — унинг юк кўтаришини кўр. **أَنْكَ كُرُ سَوْفُ كَجْرُكِي كُرُ** анiң суw кiчрʉгi кiр — унинг сувдан кечиришини кўр каби.

ғ-ғ ва к-к ҳарфларининг қўлланишини юқорида кўрсатган эдим.

Бу бобнинг буйруғи уч ҳарфлидир. Шунинг учун биз уч ҳарфли деб атадик. **تَنْكْرِيكَا تَبِنُ** тiң-ригä тапiн — худога қуллуқ қил, **تَنْكْرِيكَا يَكُنُ** тiң-ригä jʉкʉн — худога сажда қил, **سَرِنُ** сiрiн — чидагин, сабр қил демакдир. Хоҳласанг, бу буйруқларни юқорида кўрсатганимизча, **تَبِنِغِلُ** тапiнғил, **يُكُنْغِلُ** jʉкʉнғил, **سَرِنِغِلُ** сiрiнғил — чидагин равишида қўллаш ҳам мумкин.

Бўлишсиз феъллар ҳақида юқорида кўрсатганимизча, ўзак охирига **ما** -ма қўшилиб ясалади: **سَقِنْمَا** сақiнма — ўйлама, фикр қилма, **سَوْنِمَا** сiwin-мä — суюнма каби.



Сўзловчи бирлигида *م*-м билан *تَبْنَدِم* тапіндім, тингловчи бирлигида *نک* -ң билан *تَبْنَدَنک* тапіндің, ўзга бирлигида *ی*-и билан *تَبْنَدِی* тапінді шакли қўлланади. Баъзи аргулар тилида *ک*-г, *غ*-ғ га айлантиради. Чунончи, *تَبْنَدُغ* тапіндуғ\* — топиндинг. *سَنَ اَنِي قَجْرَدُغ* сэн анї қачурдуғ — сен уни қочирдинг каби. Қоида ҳамма феълларга умумийдир. Бу ерда асос *ک*-г дир. *ک*-г ўрнига *غ*-ғ қўллаш тўғри эмас.

Бу бобда ишни ишловчи мазмунини англатувчи шакл ўғузлардан башқалар тилида: *تَبْنَدِجِي* тапінгучі, *يُكْنَدُجِي* јукўнгучі шаклидадир. Бу сўз шакли ўғузлар тилида *تَبْنَدِجِي* тапіндәчі, *يُكْنَدِجِي* јукўндәчідир. Ишда давомлилиқ маъносини англатувчи сифатлар *تَبْنَدَان* тапінған, *يُكْنَدَان* јукўнгәнлардир.

Бу сифатдошларда *ق*-қ, *ک*-к, *غ*-г ҳарфларининг қўлланиши юқорида кўрсатилган қоида асосидадир.

\* Бу хусусият Фарғонанинг айрим районларида сақланган;

— *Ишларинг* яхшима Мирзо? деб сўради хон...

Бу жигит *бизнинг* мирзолар орасида ўбдон кўринади (А. Қодирий, „Меҳробдан чаён“).

Ишни ишлаш орзусида эканини билдирувчи сифат қуйидаги шаклда қўлланади: *اَرُبَغْسَاقُ* табуғсақ эр — ишни, хизматни истовчи, севувчи одам. Бу хил сифатдош уч ҳарфли ва ундан ортиқ ҳарфли феълларда жуда оз қўлланади. Лекин қоида умумийдир. Иккидан ортиқ ҳарфли феъллардан бундай сифатдош ясаш учун охириги ҳарф туширилади-да, сифат қўшимчаси қўшилиб тузилади. Чунончи: *تَبْنَدِي* тапінди феълдан бу хил сифат ясаш учун ўзакнинг охириги ҳарфи *ن*-н туширилиб, *تَبْنَعُ* сўз хизмат маъносидаги ўзак шаклига қайтарилади. Сўнг бу вазифани бажарувчи *سَاقُ* сақ қўшимчаси қўшилиб, юқоридаги сифат ясалади.

Бирор ишни қилишга унинг ҳақи бор эканлигини англатувчи сифатдош *فَعْلَعَلُّ* шаклида қўлланади, яъни икки айн ҳаракатли биринчи ва иккинчи лом ҳарфлари сукунлидир. Чунончи, *بَكَّ يَازُقُ كَجْرُكُلُكُ اَرْدِي* бәг јазуқ кәчүргүлүк эрди — бекнинг вазифаси гуноҳдан кечиш, кечириш эди. Яна: *اَلْ تَنْكْرِيكَا تَبْنَعُلُقُ اَرْدِي* ол тәңригә тапінгулуқ эрди — унинг ҳаққи, вазифаси худога топиниш эди. Бу хил сифатлар қоида: ўзакнинг қалин-ингичкалигига кўра, шу ўзак охирига *غُلُقُ* гулуқ ёки *كُلُكُ* күйүк || -гүлүк қўшимчаларини қўшишдир.

Бу хил сифатларда бир озгина масдар мазмуни ҳам бордир.

Феълнинг ишловчиларидан бири эканини билдириши маъносидаги сифатдош **فَعْلَعَلِي** шаклида икки **ع** ҳарфи сукунли, икки **ل** ҳарфи ҳаракатлидир. Ўзакнинг охирига **غَلِي** **غَلِي**, **كَلِي** **كَلِي** қўшимчалари қўшиб ясалади. Чунончи: **أَل تَنْكِرِيكَا تَبْنَعَلِي** ол тэнригә тапниғли эрди — у худога топинадиганлардан эди. **أَل مَنِي سَفْدِن كَجْرُكَلِي أَرْدِي** ол мәнни суwdн кәчрүкли эрди — у мани сувдан кечирувчилардан эди. Бу сифатга **أَرْدِي** эрди феъли қўшилиб айтилса, ишловчи у ишнинг бажарганлигидан хабар беради. Агар у сифатдан сўнг **أَل** ол ёки **تُرُر** туруп қўшилса, у вақт ишловчи шу ишни ишлашни истаса ҳам, ҳали ишламаганини билдиради.

Ишнинг ишланганлигини билдирувчи **مَفْعُول** мафъул формаси ҳамма феълларда бир хилда фарқ қилинмасдан ўзак охирига **مِش** -миш қўшиб ясалади: **كُرْتَمِش نَانِك** кўзәтмиш нәц — сақланган нарса. **مِش قَتْرَمِش قَاب** қутурмиш қап — бўшаган қоп каби. **مِش** миш қўшимчаси ўтимсиз феълларга қўшилса, иш-

нинг ўтганлигидан хабар берувчи сифат ясалади. **سَفْلَمِش كُون** сәwилмиш кун, пастланган оққан кун, **سُغْلَمِش سَوْف** суғулмиш суw — қолган суw каби.

Феълларнинг турланиш усуллари икки ҳарфлилар бобида айтиб ўтилди. Пайт исми, жой исми ҳам юқорида кўрсатилганча у сўзлар охирига ясовчи қўшимча -лар қўшиш билан ясалади. Ҳеч бир сўз қондадан четда қолмайди. Буни яхши тушун. Уч ҳарфлилар битди.

\* \* \*

#### Тўрт ҳарфлилар бўлими

**ل** ҳарфи уч хил ҳаракатнинг бири билан ҳаракатли, **ع** ҳарфи сукунли **فَعْلَلَدِي** фаълалди шаклидаги сўзлар

**بُرْكُرْدِي** буркүрди — буркалди. **كُوكُ بُرْكُرْدِي** кәк буркүрди — ҳаво буркалди, булутланди, булут босди. **بُرْكُرْدِي** буркүрди — буркиди, устига суw сочди. **يُنْجِي** юнҷи **سَوْف بُرْكُرْدِي** тунқа юнҷи тонқа суw буркүрди — ювадиган одам ивитиш учун чопонга суw пуркиди, суw қуйди. **بُرْكُرَار** буркүрәр, буркүр-мәк).

بۇرکۈردى بۇرکۈردى: قان بۇرکۈردى — ярадан  
қан оқди.

بىچتۈردى بىچتۈردى — кестирди. آر يىغاج بىچتۈردى  
бiчтурдi — одам ёғоч кестирди. (بىچتۈرۈمۈق)  
بىچتۈرۈر, بىچتۈرۈمۈق).

بارتۈردى بارتۈردى — боргизди, кеткизди. آل منى آفكا بارتۈردى  
ол мәнi әwгä бартурдi — у мени уйга кетказди,  
жўнатди, юборди. Бошқаси ҳам шундай. (بارتۈرۈمۈق)  
بارتۈرۈر, بارتۈرۈمۈق).

باستۈردى باستۈردى — бостирди. بىگ اغرىنى باستۈردى  
bġnġ бастурдi — амир ўғрини оёқ-қўлидан босиб  
ётқиздирди. Ҳар қандай нарсани кўтарилиб ке-  
тишига қўймаслик [учун ҳам бу сўз қўлланади.  
(باستۈرۈمۈق) باستۈرۈر, باستۈرۈمۈق).

بوغتۈردى بوغتۈردى — бўғдирди, бўғишга буюрди. آل انى  
ол анi боғтурдi — у уни бўғдирди, бўғиш-  
га буюрди. (بوغتۈرۈمۈق) بوغتۈرۈر, بوغتۈرۈمۈق).

بىرکۈردى بىرکۈردى — пишқирди. ات بىرکۈردى  
от пишқирди. Бошқаси ҳам шундай. (بىرکۈرۈمۈق)  
بىرکۈرۈر, بىرکۈرۈمۈق).

بۇرکۈردى بۇرکۈردى: اشلار يۈزى بۇرکۈردى  
әшләр jüzġ бур-

күрдi — хотин юзи халтум бўлди, буришди. Тери  
буришса ҳам шу сўз қўлланади. (بۇرکۈرۈمۈق)  
بۇرکۈرۈر, بۇرکۈرۈمۈق),

بەلکۈردى بەлкۈрдi — билинди, маълум бўлди, кўринди.  
ايش بەلگۈردى — иш маълум бўлди.  
Бошқаси ҳам шундай. Мақолда шундай: كوز كلكى  
кўз кәлiгi jазin бәлгүрәр — күзницңг  
келиши ёзда маълум бўлади. Олдиндан маълум  
бўлган кейин келадиган нарсa ҳақида бу мақол  
қўлланади. Шеърда шундай келган:

كزلب تتر سفكلكك اذرش كنى بلكرار  
بشلىغ كزك ييسما ياشي انك سقرقار

кiзлāб тутар сәwүкlүк азрiш күнi бәлгүрәр  
башлiғ козүг бајсама<sup>160</sup> јашi анiң саwрiқар.

Яширин тутилган севги айрилиш куни билиниб  
қолади, маълум бўлади. Яралик күзни беркитма,  
ёшини тўхтатиб яшириб бўлмайди, ёш ошкора  
қилади. (بلكرۈمۈق) بلكرۈر, بەлгүрәр, бәлгүрмәк).

تلبۈردى تلبۈردى — талпiрдi — талпинди, қанотларини қоқти. قش  
қуш талпiрдi — қуш икки қанотини қоқди,

<sup>160</sup> Јапсама сўзи босма нусхада ييسما бајсама тарзида берилган, ييسما  
бўлса керак деб Басим Аталай тўғри изоҳ берган (қ. „Девон“, Б. Аталай тар-  
жимаси, II том, 172-бет).



талтурді — уни уриб толдирди, чарчатди. Хаттоки каловланиб қолаёзди. (تَلْتُرُ. تَلْتُرْمَاق) талтурур, талтурмақ).

تَلْتُرْدِي тәлтүрді — тештирди. أَلْ تَامٌ تَلْتُرْدِي ол там тәлтүрді — у том, девор ва бошқани тештирди. Сўнгги ت - т (.) ل - л билан<sup>161</sup> алмашгандир. Арабчада ҳам шу хил алмашиниш бор. Чунончи, араб тилида قَدَّرَ عَلَيَّ дейилганидай, قَدَّرَ عَلَيَّ عِيَالِه тарзида ҳам қўлланади. Оятда бир ерда اِذَا مَا ابْتَلَاهُ وَمَنْ قَدَّرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ тарзида, иккинчи ерда فَقَدَّرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ каби د - д ҳарфи ت - т ўрнига алмашган бўлса, تَلْتُرُ تَلْتُرْمَاق ибораларида ت - т ҳарфи د - д ўрнига алмашгандир. Бунинг асли غَدَّرَ дир. Бу сўзда уч хил алмашиниш бор. (تَلْتُرُ. تَلْتُرْمَاق) тәлтүрүр, тәлтүрмәк).

تَلْتُرْدِي толтурді — тўлдирди. أَلْ اَيْقُ تَلْتُرْدِي ол ајақ толтурді — у косани тўлдирди. Бошқаси ҳам шундай. (تَلْتُرُ. تَلْتُرْمَاق) толтурур, толтурмақ).

تَلْتُرْدِي тилтүрді — тилдирди. اَرَّ يَرِنْدَاقُ تَلْتُرْدِي эр јарин-

<sup>161</sup> Босма нусхада бу ерда бир аниқсизлик белгиси бор. Ҳақиқатда бу мисоллар -д ни -т га алмашинишини кўрсатувчи мисоллардир. Лекин Махмуд Кошғарий бу ҳолни -д ни -л га алмашиниши деб кўрсатган.

дақ тилтүрді — одам қайиш тилдирди. Қайиш каби тилинадиган, чунончи, ошланмаган тери каби нарсаларни тилдиришга ҳам бу сўз қўлланади. (تَلْتُرُ. تَلْتُرْمَاق) тилтүрүр, тилтүрмәк).

تَمْتُرْدِي тамтурді — томдирди, томизди. اَنْكُ اَغْرِنَا سُوْفُ аниң ағзиңа суw тамтурді — унинг оғзиға суw томдирди, томизди. (تَمْتُرُ. تَمْتُرْمَاق) тамтурур, тамтурмақ). Бу сўз заиф бир сўздир.

تَمْجُرْدِي тамчурді — томчилади. اَجْمُرُ يَغْمُرُ تَمْجُرْدِي јағмур тамчурді — ёмғир ва шунинг кабилар томчилади, озоз ёғди. (تَمْجُرُ. تَمْجُرْمَاق) тамчїрар, тамчїрмақ).

تَبْجُرْدُم тапчурдум — топширдим. مَن اُغْنِي اَناسِنَا تَبْجُرْدُم мән оғулнї анасїна тапчурдум — ман ўғилни онасїга топширдим, унинг қўлига тутқаздим. Бу сўздаги ج ҳарфининг асли ش дир. Бошқаси ҳам шундай. (تَبْجُرُ. تَبْجُرْمَاق) тапчурур, тапчурмақ).

تَلْدُرْدِي толдурді — гавдаси билан урди. اَنْلِغُ اَنْي تَلْدُرْدِي атлїғ ани толдурді — отлїқ уни гавдаси билан урди. Бошқаси ҳам шундай<sup>162</sup>.

تَلْدُرْدِي тилдүрді — тилдирди. اَنْي بِيَاكُ بِلَا تَلْدُرْدِي ани пї-

<sup>162</sup> Бу сўзнинг келаси замон ва масдар шакллари берилмаган. Басим Атай бу шаклни ўзи орттирган ва бу ҳақда изоҳ берган (қ. „Девон“, Б. Атайлаш, 2-том, 176-бет).

чак билә тидүрди — уни пичоқ билан тилдирди.  
(تَلدُرُورُ тидүрүр, тидүрмәк).

билтүрди — билдирди. **أَل مَنكَا اِيشُ بِلتُرْدِي** ол мәңдә иш билтүрди — у менга иш билдирди, үргатди.  
(بِلتُرُورُ билтүрүр, билтүрмәк).

тамтурди — томдирди, ёқтирди. **أَل أوتُ تَمْتُرْدِي** ол от тамтурди — у ўт томдирди, ўт ёқтирди. Чирок ёқишга ҳам бу сүз қўлланади. (تَمْتُرُورُ тамтурур, тамтурмак)<sup>163</sup>.

тантурди — тондирди. **أَل مَنكَا اَلْمِنُ تَنْتُرْدِي** ол мәңдә әлимин тантурди — у менга олимни, қарзини тондирди. Бошқаси ҳам шундай. (تَنْتُرُورُ тантурур, тантурмак).

тіндурди — тиндирди, тинчитди. **أَل مَنِي تَيْنلُرْدِي** ол мәңи тіндурди — у мени роҳатлантирди, тинчитди. Бу сүз нафас олди маъносидаги **تَيْنْدِي** тінди сүзидан олингандир.

тунтурди: **أَتُ اَنكُ كُوْزِنُ تَنْتُرْدِي** от анің көзин тунтурди — ўсимлик (дори) унинг күзини бекитди. Бирор нарсани иккинчисига бекитса ҳам бу сүз қўлланади. (تَنْتُرُورُ тунтурур, тунтурмак).

<sup>163</sup> Ўтган замон **تَمْتُرْدِي** тамтурди шаклида берилгани ҳолда, келаси замон ва масдар формалари **تَمْتُرُورُ** тамтурур, **تَمْتُرْمَاكُ** тамтурмак шаклида берилган.

тоғғурди — тўйдирди. **أَل مَنِي تُوْغُوْرْدِي** ол мәңи тоғғурди — у мени тўйдирди. (تُوْغُوْرْمَاكُ тоғғурур, тоғғурмак). Мақолда шундай келган: **أَفْلَكُ تُوْغُوْرْسَا كُوْزِي يَلْقَا بَلُوْرُ** эвлик тоғғурса көзи јолқа болур — уй эгаси меҳмонни тўйдирса, меҳмон күзи кетишга отланиб, йўлда бўлади. Бу мақол зиёфатдан сўнг кетмоқ учун узр сўраган меҳмонга нисбатан қўлланади. Шеърда шундай келган:

**تُوْغُوْرْمَدِي اَتْمَنِي تَرْغُوْرغَلَرُ اَتْمَنِي**  
**سُرْدِي مَنكُ قَتْمَنِي قَاْزُ تَقِي قُرْدَايْمَنِي**

тоғғурмади итимни турғурғалир атимни сурди мәнің қутумни қаз тақи қурдајимни

Овга зарур воситалар: ит, отларини сўраб олиб, ҳеч нарса овлай олмаган овчи ҳақида ёзади: итимга тўйдирарлик ов ҳам топа олмади. Отимни уринтириб ориқлатаёзди. Ғоз ва қурдойимни ҳайдаб, бахтимни поймол этди.

тоғғурди — тўйдирди, безор қилди, малол келтирди. **أَل مَنِي بُو اِيشْتِنُ تُوْغُوْرْدِي** ол мәңи бу иштін тоғғурди — у мени бу ишдан тўйдирди, мен ундан малолландим.

турғурди — ориқлатди. **أَل اَتَغُ تَرْغُوْرْدِي** ол атиғ турғурди — у отни ориқлатди. (تَرْغُوْرْمَاكُ торғурур).

ғурур, торғурмақ). **اَلْ مَنِ ارْنَدُنْ تَرْغَرْدِي** ол мән-  
ні орундун турғурдї — у мени ўрнимдан турғизди.  
(**تَرْغَرْدِي** турғурур, турғурмақ).

**تَرْغَرْدِي** тузғурдї — турғизди, тиклади, қурди. **اَر تَام**  
**تَرْغَرْدِي** әр том тузғурдї — одам девор урди, қур-  
ди. Уй ва бошқа нарсаларни тиклашга, қуришга  
ҳам бу сўз қўлланади. (**تَرْغَرْدِي** тузғурур,  
тузғурмақ).

**تَرْغَرْدِي** тазғардї<sup>164</sup> — кал бўлаёзди, бош туклари тушиб  
кетаёзди. **اَر بَاشِي تَرْغَرْدِي** әр башї тазғардї —  
одамнинг бош туклари тўкилиб, кал бўлаёзди.  
(**تَرْغَرْدِي** тазғарар, тазғармақ).

**تَرْغَرْدِي** тозғирдї — тўзон тўзаёзди. **اِير تَرْغَرْدِي** | әр тоз-  
ғирдї — ер тўзғиёзди, тўзон кўтарилаёзди. (**تَرْغَرْدِي**)  
**تَرْغَرْدِي** тозғарар, тозғармақ).

**تَشْغَرْدِي** тошғурдї — тўлдирди. **اَلْ اَفِنْ تَقَار بَرَلَا تَشْغَرْدِي**  
ол әвин тавар бірлә тошғурдї — у уйини мол би-  
лан тўлғизди. Идишни сув ва бошқа нарсалар  
билан тўлдирилса ҳам шу сўз қўлланади. (**تَشْغَرْدِي**)  
**تَشْغَرْدِي** ташғурур, ташғурмақ).

**تَشْغَرْدِي** ташғурдї — тошаёзди. **اَشِيچ تَشْغَرْدِي** ашїч ташғур-  
дї — қозон тошаёзди, қозондан сув (тошиб) чиқа-  
ёзди. (**تَشْغَرْدِي** ташғурур, ташғурмақ).

**تَشْغَرْدِي** тошғурдум — учраштирдим. **مَنْ اَغْلَنِي اَتَايْسِنْكَ تَشْغَرْدِي**  
мән оғулнї атасїда тошғурдум — асли **تَشْغَرْدِي** ту-  
шурдумдир. Ўғил ва ота ўртасида учрашувни вақуга  
келтирдим, учраштирдим. Шунингдек, икки киши  
ўртасидаги учратилишга ҳам бу сўз қўлланади.  
(**تَشْغَرْدِي** тошғурурман, тошғурмақ).

**تَلْغَرْدِي** толғурдї — айниёзди, қўзғолаёзди, тўлғона-  
ёзди. **كَنْكَلْم تَلْغَرْدِي** кнқлм толғурдї. Булғонч, но-  
пок таом ейишдан кўнглим айниёзди. (**تَلْغَرْدِي**)  
талғурур, талғурмақ).

**تَلْغَرْدِي** талғурдї — қўзғолди. **اَرْت بَشِي تَلْغَرْدِي** арт башї  
талғурдї<sup>165</sup> — тоғ бошида совуқ шамол, бўрон қўз-  
ғолди. (**تَلْغَرْدِي** талғарар, талғармақ).

**تَمْغَرْدِي** тамғурдї — томаёзди, томинқиради. **سُوْف تَمْغَرْدِي**  
суw тамғурдї — муз ва шу кабилардан сув тома-  
ёзди. (**تَمْغَرْدِي** тамғарар, тамғармақ).

<sup>164</sup> Ҳозирги тилда бу сўз шу формада, феъл ҳолида қўлланмайди. Кал маъносида қўлланувчи *тоз-тос* сўзи шу ўзакдандир.

<sup>165</sup> Бу сўз бир ерда *талғурмақ*, иккинчи ерда *талғурмоқ* шаклида берил-  
Басим Аталай қўлзмага кўра, *талғурди* варианты тўғри деб изоҳ берган.  
179-бет).

**تُبْكَرْدِي** тубкәрди — тубига кирди, кетига тушди, текширди. **اَلْ ايشغ تِبْكَرْدِي** ол ішіг тубкәрди — у ишни текширди. У ишнинг тубини текширди, кетига тушди. (**تُبْكَرْمَاك**. **تُبْكَرُر** тубкәрүр, тубкәрмәк).

**تِرْغُرْدِي** тиргүрди — тиргизди. **تَانْرِي تَنْكُرِي اَلْكَت تِرْكَرْدِي** таңри өлүк тиргүрди — худо үликни тиргизди. (**تِرْكَرْمَاك**. **تِرْكَرُر** тиргүрүр, тиргүрмәк).

**تُزْكَرْدِي** түзкәрди — түгри йўлга бошладим — йўлладим. **مَنْ اَنِي تَزْكَرْدِي** мән ані түзкәрди<sup>166</sup> — мен уни түгри йўлга бошладим — йўлладим, йўлга солдим. (**تُزْكَرْمَاك**. **تُزْكَرُر** түзкүрүрмән, түзкүрмәк).

**تَلْمِرْدِي** тәлірди<sup>167</sup> — термилди, үнг ва чапга қаради. **اَر تَلْم اَر تَلْم** әр тәлім тәлірди — одам бир нарсани истаётгандай, ғ бировни кўрсатгандай үнгга, чапга қаради. Бошқаси ҳам шундай. (**تَلْمِرْمَاك**. **تَلْمِرُر** тәлірәр, тәлірмәк).

<sup>166</sup> *Тузкардим* шаклида берилган бу сўз ҳақида Басим Аталай тузқурл бўлиши керак деб изоҳ берган. Қўлзмада ҳам шундай, (қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 179-бет).

Бу сўз ҳозирги тилда, түгри йўлга солмоқ, яъни тузатмоқ шаклидагина қўлланади. Демак айрим сўзларда ўтимли феъл ясовчи аффикслар ўзгарид айрим феълларда ўтимли феъл ясалиш усули ўзгариб етиб келган.

Навойда тузатмоқ ва туз этмак шаклларида учрайди. Найлаб *тузатай* қад ким жисмимда шиканлардир.

Бўлса илик эгрилик ичра самар  
Элани кесмакта туз этгай магар.

<sup>167</sup> Бизда ҳозир бу сўзнинг мазмуни бир мунча ўзгарган, ҳозирги тилда сўз асосан тикилиб турмоқ, тикилиб қолмоқ маъноларида қўлланади. Шу бил бирга бу сўзнинг метатеза варианты *термилмоқ* шакли кенг тарқалгандир. Жу кўп асарларда шу вариант учрайди, Бу сўзнинг ҳозирги тилда *термулмоқ* варианты ҳам бор.

**جَبْتُرْدِي** чаптурди — суздирди. **اَر قَلْن سَفْدَا جَبْتُرْدِي** әр қулн сувда чаптурди — одам қулини сувда суздирди. Бошқаси ҳам шундай. **اَلْ اَنِك بَيْن جَبْتُرْدِي** ол анің бојнн чаптурди — у унинг гарданига уришга буюрди (уйғурча) **اَلْ اَفْن جَبْتُرْدِي** ол әwin чаптурди — у уйни суюқ лой билан чаптирди, суватди. (**جَبْتُرْمَاك**. **جَبْتُرُر** чаптурур, чаптурмақ).

**جِزْتُرْدِي** чіјтүрди — чўктирди (белини букди). **بُو يَك اَتَغ** бу юк атғ чіјтүрди — бу юк оғирлигидан от орқасини чўктирди. Оғир юкдан от ва бошқаларнинг орқаси букилишига ҳам бу сўз қўлланади. (**جِزْتُرْمَاك**. **جِزْتُرُر** чіјтүрүр, чіјтүрмәк).

**جِزْتُرْدِي** чөјтүрди — чўздирди. **اَلْ اَلْ يَبِيغ جِزْتُرْدِي** ол іпнғ чөјтүрди — бұшашган арқанни торттирди. Қўй ичагини артишга ҳам бу сўз қўлланади. (**جِزْتُرْمَاك**. **جِزْتُرُر** чөјтүрүр, чөјтүрмәк). Бу сўз ҳам юқоридаги кабинки маҳраж орасидаги *ж* билан талаффуз этилади.

**جِكَتُرْدِي** чіктүрди — тугдирди, чигдирди. **اَلْ جِكَتُرْدِي** ол тугүн чіктүрди — у тугун тугдирди. Бировни тугун тугишга буюрди. Бошқаси ҳам шундай. (**جِكَتُرْمَاك**. **جِكَتُرُر** чіктүрүр, чіктүрмәк).



چاقتۇردى — чақтирди. **ال جَمَاقُ جَقْتَرْدِي** ол чақмақ чақтурдї — у чақмоқ чақтирди. Шунингдек, икки кишини бир-бирига чақиб, бир-бирига қарши жанжал ва [қўзғолон] қўзғатганда ҳам „**جَعْتَرْدِي**“ чақтурдї“ дейилади. (**جَقْتَرْمَاقُ** чақтурур, чақтурмақ).

چوقتۇردى — чўқтирди. **ال قُشْعُ قازقا جَقْتَرْدِي** ол қушуғ қазқа чоқтурдї — у лочинни ўрдақ овлашга йўллади. Бошқаси ҳам шундай. (**چوقتۇرْمَاقُ** чоқтурур, чоқтурмақ).

چىقتۇردى — чиқарди. **ال اَنِ اَقْدُنْ جَقْتَرْدِي** ол анї әвдін чїқтурдї — у уни уйдан чиқартирди, уйдан чиқаришга буюрди. Бошқаси ҳам шундай. (**چىقتۇرْمَاقُ** чїқтурур, чїқтурмақ).

جىقتۇردى — <sup>168</sup>намиқтирди. **ال توننْ جَقْتَرْدِي** ол тоннн јїқтурдї — у тўнини нам жойга қўйди ва тўн намиқди. (**جىقتۇرْمَاقُ** јїқтурур, јїқтурмақ).

چىكتۇردى — нуқта қўйдирди. **انكر جِكْكَ جِكْتَرْدِي**

анар чёкік чёктўрдї — унга хат-ёзув нуқталарини қўйдирди. **ال اتنْ جِكْتَرْدِي** ол атн чёктўрдї — туёқ касали ва бошқа касал сабабли отининг томиридан қон олдирди. (**جِكْتَرْمَاقُ** чёктўрўр, чёктўрмақ).

چۆكتۇردى — чўктирди. **ال انكْ تَقْسِينْ جِكْتَرْدِي** ол анїң тәвәсін чۆктўрдї — у унинг туясини чўктирди. **ال كُمُشْ التوندنْ جِكْتَرْدِي** ол кўмўш алтундан чۆктўрдї — у чўктириш усули билан олтинни кумушдан айиртирди. (**چۆكتۇرْمَاقُ** чۆктўрўр, чۆктўрмақ).

چالتۇردى: **ال اني جَلْتَرْدِي** ол анї чалтурдї — у уни чалдирди. **ال يتكْ جَلْتَرْدِي** ол јитўк чалтурдї — у йитган — йўқолган нарсани қидиришга буюрди. Эшиттириш учун айтилган ҳар бир сўз ҳам шундай дейилади. (**چالتۇرْمَاقُ** чалтурур, чалтурмақ) (ўғузча).

چومتۇردى — чўмдирди, ботирди. **ال اني سَفَا جومتۇردى** ол анї суwқа чомтурдї — у уни сувга чўмдирди, шўнғитди. (**چومتۇرْمَاقُ** чомтурур, чомтурмақ). Бунинг **چومتۇردى، جومتۇر، جومتۇرْمَاقُ** чомтўрдї, чомтўрўр, чомтўрмақ варианты аввалги сўз-

<sup>168</sup> Бу сўз ҳозирги тилда шу шаклда феъл ҳолида қўлланмайди. *Жиқ* ҳўл синтагмасида сифатнинг ортирма даражасини ясовчи тарзида қўлланувчи *жиқ* сўзи ана шу ўзакдандир.

га кўра яна ҳам чуқурроқ чўмдириш маъносида-  
дир.

چانتۇردى چانتурдї — тонишни бўйнига қўйди, юклади,  
тондирди. <sup>اَلْ اَنِ بُو اَيْشَقَا چانتۇردى</sup> ол анї бу ішқа  
чантурдї — у уни бу ишдан қайтишга ундади.  
Асли „ <sup>چانتۇردى</sup> чїндутурдї“ дир. (<sup>چانتۇردى</sup> <sup>چانتۇрмақ</sup>).

چىنغاردى чїнғардї — текширди, суриштирди. <sup>اَلْ اَيْشَغ چىنغاردى</sup>  
ол ішїғ чїнғардї — у ишнинг аслини текширди,  
ҳақиқат қилди. Асли <sup>چىنغاردى</sup> ы ҳарфи билан <sup>چىنغармақ</sup> дир.  
(<sup>چىنغармақ</sup> <sup>чїнғарїр</sup>, <sup>чїнғармақ</sup>).

سېتىردى сәптүрдї — сеп қилишга буюрди. <sup>اَلْ اَنْك قَزِن</sup>  
<sup>سېتىردى</sup> ол анїң қїзїн сәптүрдї — у қизига сеп  
қилиб куёвга узатишни буюрди. <sup>اَلْ مَنكَا قَش قَتِن</sup>  
<sup>سېتىردى</sup> ол мәңә қуш қанатїн сәптүрдї — у менга  
қуш қанотини бирлаштиришга, қуш қанотини  
тузатишга буюрди. Бошқаси ҳам шундай. Ҳар  
нарсани тузатишга ҳам бу сўз қўлланади.  
Аввалги феълнинг масдари <sup>سېتىرماك</sup> -к билан <sup>سېتىرماك</sup>  
сәптүрмәкдир. (<sup>سېتىرماك</sup> <sup>сәптурур</sup>, <sup>сәптур-</sup>  
мақ).

ساتتۇردى саттурдї — соттирди. <sup>اَلْ مَنك تَقَارِغ سَتَرْدى</sup> ол мә-  
нїң таварїғ саттурдї — у менинг товаримни (мо-  
лимни, буюмимни) соттирди. Бошқаси ҳам шундай.  
(<sup>ساتتۇرور</sup> <sup>ساتتۇرور</sup> <sup>ساتتۇрмақ</sup>).

سۇتتۇردى суттүрдї — туплатди. <sup>اَلْ اَنْك يوزنكا سۇتۇردى</sup> ол анїң  
јузїңә суттүрдї — у унинг юзига туплат-  
ди. Бунинг асли <sup>سۇتۇردى</sup> сузтүрдїдир. (<sup>سۇتۇردى</sup>  
<sup>سۇتۇرور</sup> <sup>сүзтүрур</sup>, <sup>сүзтүрмақ</sup>).

سېتىتۇردى сїттүрдї — сийдирди. <sup>اَلْ اَغْلِن سېتىردى</sup> ол оғлїн  
сїттүрдї — у боласини сийдирди. Отини сийдириш-  
га ҳам бу сўз қўлланади. Асли <sup>سېتىتۇردى</sup> сїзтүрдї  
эди, кейинчалик ҳарфлар сингиб иккиланган. (<sup>سېتىرور</sup>  
<sup>сїттүрүр</sup>, <sup>сїттүрмақ</sup>).

ساجتۇردى сачтүрдї — сочтирди. <sup>اَلْ مَنكَا يَرْمَاق ساجتۇردى</sup> ол  
мәңә јармақ сачтүрдї — у менга танга сочтирди.  
(<sup>ساجتۇرور</sup> <sup>сачтүрур</sup>, <sup>сачтүрмақ</sup>).

سېچتۇردى сїчтүрдї — чичтирди. <sup>اَلْ اَنِ سېچتۇردى</sup> ол анї сїч-  
түрдї — у уни чичтирди. (<sup>سېچتۇرور</sup> <sup>сїчтү-</sup>  
рур, <sup>сїчтүрмақ</sup>).

سۇرتۇردى суртүрдї — сурдирди, сургун қилди. <sup>اَلْ اَنِ سۇرتۇردى</sup>  
ол анї суртүрдї — у уни ватанидан сургун қилди.

اَلْ اَنْكُرُ قُوَى سِرْتُرْدَى ол аңар қој суртурдї — у унга қўй ва бошқаларни ҳайдатди. اَلْ اَنْكُرُ تَاشُ سِرْتُرْدَى ол аңар таш суртурдї — у унга тош ишқатди. (سِرْتُرُرُ سِرْتُرْمَاقُ суртурур, суртурмақ).

سِرْتُرْدَى сортурдї — сўраттирди. اَلْ سِرْعُ سِرْتُرْدَى ол со-руғ сортурдї — у йўқолган нарсани суриштиришга буюрди. اَلْ قَانِغُ سِرْتُرْدَى ол қаніғ сортурдї — у қонни қортуқ билан сўриб олишга буюрди, сўр-дирди. (سِرْتُرُرُ سِرْتُرْمَاقُ сортурур, сортурмақ).

سِرْتُرْدَى сузтурдї — суздирди. اَلْ سَوْفُ سِرْتُرْدَى ол суw сузтурдї — у сув тинитишга, сузишга буюрди. Бошқаси ҳам шундай. (سِرْتُرُرُ سِرْتُرْمَاقُ сузтурур, сузтурмақ).

سِسْتُرْدَى сустурдї — суздирди. اَلْ قِجُ سِسْتُرْدَى ол қоч сустурдї — у қўчқорни суздиришга ундади, ҳатто у сузди. (سِسْتُرُرُ سِسْتُرْمَاقُ сустирур, сузтурмақ).

سِشْتُرْدَى сѣштўрдї<sup>169</sup> — ечтирди. اَلْ تَكُونُ سِشْتُرْدَى ол тў-гўн сѣштўрдї — у тугунни ечишга буюрди, ечтир-ди. Бошқаси ҳам шундай. (سِشْتُرُرُ سِشْتُرْمَاقُ сѣш-тўрур, сѣштўрмақ).

سِشْتُرْدَى саштурдї — бошма-бош қилди. اَلْ اَلِمُ بَرِمُ سِشْتُرْدَى ол алїм бѣрим бїрлā саштурдї — у оладиган моли билан берадиганини бошма-бош қилди. Оладига-нини олмай, берадиганининг ўрнига топширди. (سِشْتُرُرُ سِشْتُرْمَاقُ саштурур, саштурмақ).

سِغْتُرْدَى сағтурдї — соғдирди. اَلْ قُوَى سِغْتُرْدَى ол қој сағ-турдї — у қўй соғдирди. Бошқаси ҳам шундай. (سِغْتُرُرُ سِغْتُرْمَاقُ сағтурур, сағтурмақ).

سِغْتُرْدَى сїғтурдї — сїғдирди. بِيْرُ نَانِكْنِي بِيْرِكَا سِغْتُرْدَى бїр нѣннї бїргā сїғтурдї — бїр нарсани бїр нар-сага сїғдирди, жойлаб қўйди. (سِغْتُرُرُ سِغْتُرْمَاقُ сїғтурур, сїғтурмақ).

سِقْتُرْدَى сѣwtтурдї — севдирди. اَلْ تَنْكُرِي سِنِي مَنكَا سِقْتُرْدَى ол тѣнрї сѣнї мѣца сѣwtтурдї — у тангри сени мен-га севдирди. Дилимга муҳаббатингни солди. (سِقْتُرُرُ سِقْتُرْمَاقُ сѣwtтурур, сѣwtтурмақ).

سُقْتُرْدَى суқтурдї — суқтирди, киргизди. اَلْ بِيْرُ نَانِكْنِي بِيْرِكَا سُقْتُرْدَى ол бїр нѣннї бїргā суқтурдї — у бїр

<sup>169</sup> Босма нусхада бу сўзнинг имлосида аниқсизлик бор. Басим Аталай ёзма нусхага кўра *саштурди* варианты тўғри деб изоҳ берган (қ. „Девон“, II том, 185-бет).

<sup>170</sup> Басим Аталай изоҳига кўра, бу сўз ёзма нусхада *сѣштурмақ* эмас, *сѣштурмак* шаклидадир (қ. „Девон“, Б. Аталай таржимаси, II том, 185-бет).

нарсани иккинчисига суқишга, киритишга буюрди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ).  
سُقْتُرْمَاقْ

соқтурді — майдалатди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол мурч  
соқтурді — у мурч майдалатди. Бошқаси ҳам шундай.

сіқтурді — сиқтирди, эздирди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол  
ўзўм сіқтурді — у узум сиқишга буюрди. Бошқаси ҳам шундай. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сіқтурур, сіқтурмақ).

сөктүрді — сүктирди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол тон  
сөктүрді — у тўн чокларини сүктирди, сўкишга буюрди. Девор ва бошқаларни бузишга ҳам бу сўз қўлланади. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сөктүрүр, сөктүрмақ).

сөктүрді: (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол ані сөктүрді — у  
уни сүктирди. Асли у орқали (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сөктүрді-  
дир. Сўнг идғом<sup>171</sup> қилинган (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сөктүрүр, сөктүрмақ).

сіктірді — сиктирди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) әр кўңин

<sup>171</sup> Махмуд Кошғарий кўпчилик ўринда идғом терминини сингиш — ассимиляция маъносида қўллаб, бундай ўринларда тахфиб тушиб қолиш терминини юритган эди.

сіктірді — одам чўрисини жимо қилдирди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сіқтүрүр, сіқтүрмақ).

салтурді — солдирди, ихтиёрига ташлатди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол мәнн аңар салтурді — у мени унинг ихтиёрига ташлатди (ўғузча). Яна (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол мәнца jljэц салтурді — у бировни тўн енги билан менга ишорат қилишга буюрди. Ҳар бир нарсани ташлашга буюрса ҳам, шу сўз қўлланади. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) салтурур, салтурмақ).

шаштурді — ечтирди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ол тўгўн  
шаштурді — у тугун ечтирди — чечтирди.

шаштурді варианты ҳам бор. Бу алмашиниш арабча билан форсчадаги алмашинишга ўхшайди. Арабча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) миск, форсча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) мўшк, арабча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) аскар, форсча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) шакәр, арабча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) аскар, форсча (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) лашкәр каби.

сачғурді: (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) әр суw сачғурді  
одам сув сочтираёзди. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сачғу-  
рар, сачғурмақ).

сучғурді: (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) ат сучғурді — от ҳурка-  
ёзди. Бошқаси ҳам шундай. (سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ سُقْتُرْمَاقْ) сучғу-  
рар, сучғурмақ).

سَرغَرْدِي سارғарді: سَرغَرْدِي نازک سارғарді нәң — нарса сарғайди. (سَرغَرْمَاقُ سарғарур, сарғармақ).

سِزْغَرْدِي сiзғурдi: سِزْغَرْدِي اَر ياغ әр jaғ сiзғурдi — одам еғ әритди. Бошқаси ҳам шундай. (سِزْغَرْمَاقُ сiзғурур, сiзғурмақ).

Иситма беморни ҳолдан оздиришига ҳам бу сўз қўлланади. Шеърда шундай келган:

كُنْكَلِي كَيْبِ قَانِي قُرْبِ اَغْزِي اَجِبْ قُمْغَرَا

سِزْغَرْغَالِي اَذْكَارِ اَسْزِي يَزِي بُرْقَرَار

Köңli küjüb, қани қуріб, ағзи ачіб қуғурар,  
Сiзғурғалiр ўзўкләр әссiз jўzi бурқарар.

Дили куйиб, қони қуриб, оғзини очиб куларди. Ишқ уни эритиб юборар даражада, бечоранинг юзларини сарғайтирарди.

Аламли ошиқ одамлар наздида оғзи очиқ кулгили кўринса ҳам, ишқ унинг дилини ёндирган, қонини қуритган, чеҳрасини ачинарли ҳолда сўлдирган.

سَوغَرْدِي суwғардi: سَوغَرْدِي اَل اَت ол ат суwғардi — у отни суғорди. Бошқаси ҳам шундай. (سَوغَرْمَاقُ суwғарур, суwғармақ).

سَنغَرْدِي санғардi: سَنغَرْدِي اَل اَنِي كَشِيْدَن ол анi кiшидән<sup>172</sup> санғардi — у уни киши деб ҳисоблади. (سَنغَرْمَاقُ санғарур, санғармақ).

سَرْقَرْدِي сарқурдi: سَرْقَرْدِي اَل يَاغْنِي قَابْتَن سَرْقَرْدِي ол jaғнi қаптiн сарқурдi — у ёғни идиш(меш) силқитди. Ҳар бир сувоқ нарса бир идишдан иккинчи бир идишга солинганда, тагида қолганини силқитишга ҳам бу сўз қўлланади. (سَرْقَرْمَاقُ сарқурур, сарқурмақ).

سَوْتْكَرْدِي суткәрдi — сутга айланди. يَغْرَتْ سَوْتْكَرْدِي јуғурт суткәрди<sup>173</sup> — ивиган сут чайқалиб — қўзғолиб сут-

<sup>172</sup> Кўздан сўзидаги „дан“ чиқиш келишиги аффиксидир. Бу келишик XI аср тилида анча кенг қўлланган келишиклардандир. Чиқиш келишигининг аффикси кўпинча دَنْ дiн—дiн шаклида баъзан دَنْ دَان — дан шаклида учрайди, ҳатто, айрим ҳолларда дун шаклида ҳам учрайди. Чунончи, Девоннинг II томида, 83—84-бетларда ашдiн шаклида берилган бўлса, 68-бетда шу сўз ўрнида ашдан шаклларида, 140-бетда ўрундун тарзида берилган.

Бу аффикс охири жарангсиз ундошлар билан тугаган сўзларга қўшилганда تَنْ тiн || тан тарзида қўлланади. Чунончи, азоқ тiн каби. Лекин иштан сўзи бир ерда иштан (ايشتن) бир ерда ايشتن иштiн (192-бет) шаклида учраши характерлидир. Бу аффиксларнинг ўзакка қўшилиб ёки ажратилиб ёзилишида ҳам қаттият йўқ.

<sup>173</sup> Арабча текстдаги يعثر ювсиру сўзи ёнида бир аниқсизлик белгиси бор. Бизнингча, يعثر ювтиру бўлса керак. Бир нуқта ортиқча бўлиб қўзғолди—чайқалди демакдир.

дек суйилди. (سُتْکِرَارُ سَتْکِرْمَاکْ) сүткірәр, сүткірмәк),

